



ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 октябрь куни интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, бу соҳадаги ютуқларни юқори қўшилган қийматли маҳсулотга айлантиришда интеллектуал мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш жуда муҳим. Дунёда товарларнинг бренд қиймати юқори ҳисобланади. Интеллектуал мулк Европада ялпи ички маҳсулотнинг 45 фоизини, Хитойда 12, Россияда 7 фоизни ташкил этади.

Афсуски, мамлакатимиз бу борада дунё бозоридан узоқлашиб кетди. На тегишли идоралар ва на ҳудуд раҳбарлари интеллектуал мулк масаласига эътибор берди. Шу сабабли ихтирочи олим ва ижодкорларимиз хорижда қийин кетди. Илмий институтларимиз инновациялар, тармоқлар эса харидорлар ишланма ва брендлар яратадиган олинма йўқ.

Бўлган тақдирда ҳам аксарият ихтиролар, фойдали моделлар, санот-намуналари бўйича мурожаатлар илмий ишни тезроқ рўйхатдан ўтказиб олиш мақсадида қилинмоқда. Бу борадаги талаблар ҳам эскириб қолган.

Йиғилишда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириб, интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтириш, ҳар бир идора ва тармоққа илмий ютуқларни олиб кириш масалалари муҳокама қилинди.

Адлия вазирлиги ва Интеллектуал мулк агентлигига барча идоралар ва ҳудудлар, олий ўқув юртлири, илмий-тадқиқот муассасалари билан кенг муҳокама қилиб, соҳани ривожлантиришга қаратилган уч йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди. Интеллектуал мулк яратувчиларини рағбатлантириш, патент эгаларини муқофотлаш каби имтиёзлар тизимини жорий қилиш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда йилга 4 минг 500 атрофида интеллектуал мулк объекти, жумладан, 2 мингдан зиёд товар белгилари рўйхатдан ўтказди. Мисол учун, Навоий кон-металлургия комбинати сўнги ўн йилда 35 та ихтирони рўйхатдан ўтказиб, уларнинг 16 тасидан 400 миллиард сўмдан ортиқ иқтисодий самара кўрган. Бу ишланмаларни бошқа давлат-

ларнинг олтин қазихоналарига сотиш бўйича музокаралар олиб боришмоқда.

Лекин бундай ихтиролар хорижда рўйхатдан ўтказиб келинмоқда. Чунки юртимизда қийматли баҳолаш тизими амалда ишланмапти. Бунинг оқибатида кўплаб ишланмалар тижоратлаштирилмай қолиб кетмоқда. Шу боис Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти мутахассислари билан баҳоловчилар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Келгуси йил биринчи чорақда санот мулки патентлари платформасини яратиб, унга санот тармоқларидаги интеллектуал мулк объектларини жойлаштириб бориш, вилоятлардаги корхоналар ва олий ўқув юртлирининг интеллектуал мулк объектлари базасини яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Ўтган йили 400 га яқин ихтиро, 110 та фойдали модел, 170 та санот-намунаси, 36 та селекция ютуғи рўйхатга олинган бўлса-да, атиги 43 та илмий ишланма тижоратлаштирилган ҳолос. Шу боис бундай илмий ютуқларнинг "электрон ярмаркаси"ни ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

— Патент эгаларини тадбиркорлар билан боғлаш керак, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари маҳаллий товар белгиларини халқаро рўйхатдан ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Бугунги кунда мамлакатимиз санотининг бор-йўғи 72 та товар белгиси халқаро рўйхатдан ўтказилган. Лекин бу жуда кам. Аслида эса имкониятлар талайгина.

Масалан, Чуст пичоғи, Самарқанд нони, Маргилон адреси, Шеробод анори, Олтиарик ва Паркент узуми, Хоразм қовуни, Сурхондарё хурмоси каби машҳур брендларни ҳудудий мансублиги бўйича рўйхатдан ўтказиб, халқаро бозорда фаол тарғиб қилиш мумкин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига маҳаллий брендларнинг халқаро рўйхатдан ўтишини кўпайтириш, уларнинг халқаро

бозорга чиқишини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Юридик университет ҳамда жойлардаги ҳуқуқшунослик факультетларида тадбиркорлар учун интеллектуал мулкни яратиш ва ҳимоя қилиш бўйича ўқувлар ташкил этилиши белгиланди.

Тадбиркорлар маҳсулотларини брендга айлантириш дастури ва электрон майдончасини ишлаб чиқиш, ҳудудларда брендлар ярмаркаси ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

— Жаҳон бозорига чиқаётган маҳсулотларимизда Ўзбекистон овози жаранглаши керак, бренди бўлсагина маҳсулотларимиз ташқи бозорларда мустақам ўрин эгаллай олади, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Айрим тадбиркорлар халқаро брендлар билан бир хил номни рўйхатдан ўтказиб олгани сабабли хорижий инвестиция келишига тўсиқ бўлаётгани кўрсатиб ўтилиб, бундай ҳолатларни тартибга солиш юзасидан кўрсатма берилди.

Яна бир муаммо — юртимизда санъат ва адабиёт асарларидан муаллифнинг розилигисиз фойдаланиш, ундан даромад олиш ҳолатлари кенг тарқалган.

Мисол учун, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтиб, ойлик тўлов ундирадиган онлайн кинотеатрларда 30 мингдан ортиқ кино, сериал, кўшиқ, мультфильмлар жойлаштирилган бўлишига қарамаддан, бундан муаллифлар моддий манфаат кўрмайдилар.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Интеллектуал мулк агентлигига мамлакатимизда рўйхатга олинган кўнгилочар сайтлар, радио ва телеканалларни ўрганиб, муаллифлар манфаатларини таъминлаш вазифаси кўйилди.

— Интеллектуал мулк ҳимоясини мустақамлаш олоқ, бу ҳам Учинчи Ренессансга ишончли пойдевор бўлади, — деди Президент.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарлар ахборот берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛОВДА ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 октябрь куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон етакчисини куни кеча бўлиб ўтган Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан табриклаб, унга биродар тожик халқи фаровонлиги ва раўнақи йўлидаги фаолиятида катта муваффақиятлар тилади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон — Тожикистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари ўртасида эришилган келишувларни ўз вақтида амалга ошириш, Ҳукуматларо комиссия қарорларини бажариш ҳамда бўлажак олий даражадаги учрашувлар учун янги кун тартибин ишлаб чиқиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президентлар Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг Қирғиз Республикасидаги вазият юзасидан қўшма баёноти қабул қилинганини мамнуният билан қайд этдилар.

Мулоқот сўнгида мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли ва кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришга иккала томоннинг ҳам интилиши қатъий экани таъкидланди.

Сўхбат ҳар доимгидек самимий, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

Тараққиёт мезонлари

СОЛИҚ ИДОРАСИ — ТАДБИРКОРГА КЎМАКЧИ

Пандемиядан кучли бўлиб чиқишнинг бирдан бир йўли — кичик бизнес ва тадбиркорликка қулай муҳит яратиш. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида айтган бу фикри иқтисодий жабҳасининг барча соҳалари учун бирдай долзарб ва ҳаётимизнинг бугунги даражаси, истиқбол имкониятларини белгилайди.



Бинобарин, мамлакатимизда битта корхона фаолиятини тўхтатишига ҳам фавқуллодда ҳолат сифатида қаралмоқда. Чунки улар томонидан қанчадан-қанча иш ўринлари яратиларди, оилалар фаровонлиги таъминланарди.

Айни кезде тадбиркорларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, мушкулни осон қилиш ва барча зарур шароитларни яратиб беришга ҳам катта эътибор қарилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда солиқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича аниқ чоралар кўрилиши натижасида бизнес иштиёрида 2019 йилда 12 триллион сўм қолган бўлса, бу йил яна 11 триллион сўм маблағ қолиши кутиляпти.

Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб эса илк марта тадбиркорларга қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш механизми амалга киритилди. Ушбу янгилик орқали учинчи чорақда 700 миллиард сўм тадбиркорларнинг ўзидан айланма маблағ сифатида қолдириш имконияти яратилди.

Ана шу йиғилишда давлат солиқ хизмати органларига янги вазифа, яъни "Солиқ идораси — тадбиркорга кўмакчи" тизимини йўлга қўйиш топшириғи берилди. Унинг имкониятларини тадбиркорлар эътиборига етказиш ва ижросини барча ҳудудларда самарали ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Янги тизимни қўллаш ва ҳудудларда самарали йўлга қўйиш тадбиркорлик субъектлари учун қандай имкониятларни очиб берди?

Давлат солиқ кўмитаси раиси Шерзод КУДБИЕВ билан сўхбатимиз ушбу савол билан бошланди.

Давоми 2-бетда

Интервью

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ҳар бир мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий юксалтириш ҳамда ҳаёт фаровонлигини оширишда интеллектуал мулк муҳофазасининг кучли ҳуқуқий тизимга эга бўлиши, муаллифлар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши муҳим аҳамиятга эга. Интеллектуал мулк ҳуқуқий жиҳатдан кучли муҳофазага олинса, ихтирочилар ва ижодкорлар ярат-

ган объектлардан фойдаланишда муносиб ҳақ тўланса, соҳага инвестициялар жалб қилинса, шу орқали иқтисодий тараққиёт эттиришга эришиш мумкин.

Илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, бу соҳадаги ютуқларни юқори қўшилган қийматли маҳсулотга айлантиришда ҳам интеллектуал мулкнинг ишончли ҳимоясини таъ-

минлаш жуда муҳим. Маълумотларга қўра, дунёда товарларнинг бренд қиймати юқори ҳисобланиб, интеллектуал мулк Европада ялпи ички маҳсулотнинг 45 фоизини, Хитойда 12, Россияда 7 фоизини ташкил этади.

Давоми 4-бетда

Ислоҳотлар самараси



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ:

ТАРАҚҚИЁТ САРИ ТАШЛАНГАН ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

янги лойиҳаларни амалга ошириш, иш ўринлари яратиш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, турмуш шароитини яхшилаш бўйича ислоҳотларда намоён бўлмоқда

Кейинги йилларда мамлакатимизда кузатилаётган кенг қўламли ислоҳотлар суръатига ҳамроҳанг сирдарёликлар ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар кузатилаётган. Меҳнаткаш Сирдарё халқини рози қилиш, турмуш шароитини яхшилаш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳар жабҳада кўзга ташланади. Саноат, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик ривожини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини янги

босқичга кўтариш, хуллас, барча жабҳада янгиланишлар гувоҳи бўласиз.

Ўтган вақт мобайнида вилоятда бир қатор ижобий ўзгаришлар кузатилди, хайрли ташаббуслар амалиётга татбиқ этилди.

Давоми 4-бетда

Тараққиёт мезонлари

Бошланиши 1-бетда

— “Солиқ идораси — тадбиркорга кўмакчи” тизимининг моҳияти шундан иборатки, энг аввало, биз энди иш бошлаётган тадбиркорга биринчи қадамдан унга қайси солиқ режими қулай ва фойдали эканини тушунириб, тўғри йўлдан боришига шароит яратиб беришимиз зарур. Ундан кейин эса бизнес субъектининг “яшаб кетиши”, фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлганларнинг қайта тикланишига кўмаклашиш, бухгалтерия ҳисобини юритиши, ҳисоботларини тўлдириши ва топшириши, ҳуллас, нима муаммоси бўлса, ҳал этиш бўйича хизмат кўрсатишга асосий эътибор қаратилади.

Берилган топшириқлар зиммамизга бугунги қийин шароитда манзилли ишлашни, ҳар бир тадбиркорнинг саъй-ҳаракатига унинг қийинчилик ва муаммоларини тушунган ҳолда яқин кўмакчи сифатида ёндашушни тақозо этмоқда. Эндиликда фаолиятимиз қанча солиқ қонунчилигини бузиш аниқланди ва қўшимча солиқ ҳисобланди, деб тадбиркорни жазолашга эмас, аксинча, солиқ қонунчилиги бузилиши нечоғли камайгани ва тадбиркорларни ортиқча харажатлардан сақлаб қолтиришга қанча ҳисса қўшилганига қараб баҳоланадиган бўлди.

“Солиқ идораси — тадбиркорга кўмакчи” тизими доирасида амалга оширилаётган энг муҳим тадбирлардан бири ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августда қабул қилинган “Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ҚҚС суммаси ўрнини қоплашнинг янги шартлари ва тартиби белгиланди. Эндиликда бу масала ҳудудий давлат солиқ бошқармалари ва йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан кўриб чиқилмоқда. Янги тизим икки хил — тезлаштирилган ва умумий тартибда ишлайди. Тезлаштирилган тартиб йирик солиқ тўловчилар, дипломатик ваколатхона вакиллари, махсус топқимотида оид битим иштирокчилари (“ноль” ставка), солиқ мониторинги иштирокчиларига нисбатан қўлланилади. Бунда ҚҚСнинг ортиқча суммаси 7 кундан кечиктирилмай қайтарилади.

ҚҚС тўловчиларининг бошқа тоифалари учун эса умумлаштирилган тартиб қўлланилмоқда. Бу тартибда ҚҚСни қайтариш 60 кундан кечиктирилмайди. Бунинг яна бир қўлайлиги шундаки, ҚҚС суммасини қоплаш учун юборилган ҳужжатларда хатокамчиликлар аниқланса, тадбиркорлар уларни тузатиб, қайта ариза юбориши мумкин. ҚҚСни ортиқча салбий фарқ суммасини қайтариш тизими доирасида 2020 йил январдан 9 октябрга қадар давлат солиқ органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига 4,5 триллион сўмдан зиёд маблағларни қайтариш учун ҳулосалар берилди.

Қайд этиш лозимки, ҳўжалик юри тувчи субъектлар учун қайтарилаётган ҚҚС суммаси фаолиятини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, сифатли махсус топқимоти ишлаб чиқариш ва рақобатбардорлигини таъминлаш имкониятидир. Бир сўз билан айтганда,



ҚҚСни қайтаришнинг янги тартиби янги истиқбол сари йўл очмоқда.

— Жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб солиқлардан ортиқча тўлов суммаларини бошқа турдаги солиқ қарзларига сингдириш амалиётининг соддалаштирилган тизими ишга туширилди. Янги тизим қандай афзалликлари ва қўлайликлари билан тадбиркорларга таянч ва суянч бўлиши кутиляпти?

— Солиқ кодексининг 104-моддасида ортиқча тўланган солиқ суммасини бошқа турдаги солиқ қарзи учун ҳисобга олиш тўғрисидаги қарор солиқ органи томонидан солиқнинг ортиқча тўланганлиги факти аниқланган кундан эътиборан ўн кун ичида қабул қилиниши белгиланган.

Шу кунга қадар мазкур жараён тўлиқ автоматлашмагани ҳамда инсон омилли



СОЛИҚ ИДОРАСИ — ТАДБИРКОРГА КЎМАКЧИ

иштироки бартараф этилмагани сабабли тадбиркорлик субъектларининг мавжуд ортиқча тўлов суммаларини бошқа солиқлардан қарздорликларига ҳисобга олиш ишлари кечикишига ҳамда солиқ тўловчиларга пеня ҳисобланишига сабаб бўлаётган эди. Ушбу жараён 8 босқични ўз ичига олиб, тадбиркорлик субъектларининг 10 кун ва ундан ортиқ вақти сарфланган.

2020 йил 1 октябрдан бошлаб мазкур жараён учун янги соддалаштирилган тизим ишга туширилди. Уч босқичли, бир иш кунда амалга ошириладиган янги жараён тўлиқ автоматлаштирилиб, инсон омилли иштирокига чек қўйилди. Солиқ тўловчи уйдан ёки офисидан чиқмаган ҳолда шахсий кабинет орқали ортиқча солиқ тўлов суммасини бошқа турдаги солиқ қарзига ҳисобга олишни белгилаб бериши мумкин. Бунда шу куннинг ўзида солиқ органи ҳулосаси автоматик равишда шаклланади. Ҳулоса имзоланган заҳоти электрон тарзда ижро учун газначилик идораларига юборилади ва солиқ қарзига нисбатан пеня ҳисобланиши тўхтатилади. Бу пеня ҳисобланишининг олдини олиш эмас, тадбиркор учун энг муҳим омил — вақтни тежашга ҳам хизмат қилади.

Янги автоматлаштирилган тизим хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва солиқ соҳасига ахборот технологияларини татбиқ этиш борасидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.

— Ана шундай хайрли мақсадларга қаратилган яна бир тажриба туризм инфратузилмаси жадал ривожланиб бораётган, наинки юрtdошларимизни, балки хорижий сайёҳларни ҳам тобора кўпроқ ўзига чорлаётган Бўстонлик туманида ўтказилган ДСҚ томонидан тумандаги дам олиш масканларини ижарага бериш тўғрисида ишончли маълумотларнинг янги хизмати — ягона электрон платформа ишга туширилди.

Ижара объектларини ягона электрон платформа — oqot.uz сайтига жойлаштириш учун ҳеч қандай тўлов назарда тутилмаган. Ижарачи объектни сайтига жойлаштиришда фақат олган даромадидан солиқ тўлайди. Объект бўш турган муддат учун ҳеч қандай солиқлар ҳисобланмайди. Солиқ солишнинг бу тартиби, айниқса, ҳозирги мураккаб вазиятда тадбиркорга қўл келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бу тизим 2020 йил 1 майдан кучга кирди ва бир йил мобайнида тажриба тариқасида давом этади. Синов давридаги ҳулосалардан келиб чиққан ҳолда янги тажриба мамлакатимизнинг туризм ривожланаётган бошқа ҳудудларига ҳам татбиқ этилиши кўзда тутилган.

— 8 октябрь куни Президентимиз раҳбарлигида жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш масаласи бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида солиқ ва кадастр тизимларининг бирлашувидан кейин



ШТАБ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ТУМАННИНГ ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИБ, САНОАТ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ҚИЙМАТИ 32 МИЛЛИАРД СЎМГА ТЕНГ БЎЛГАН 31 ТА ЛОЙИҲА ШАКЛЛАНТИРИЛДИ.

ятини ошириш билан бир қаторда истеъмолчилар ва инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Тажриба даврида жисмоний шахслар томонидан ижарага бериладиган дам олиш уйлари ва бошқа объектлар жисмоний шахсларнинг даромад манбаи сифатида рўйхатга олинди. Бугунги кунда Бўстонлик туманида ташкил этилган 4 солиқ таянч пункти томонидан 3 800 га яқин ижара объекти ҳисобга олиниб, платформага жойлаштирилди.

Кўчас маулкка бўлган эгаллик ҳуқуқини тезкорлик билан аниқлаш, бу борада аҳолини узок йиллардан буюн қийнаб келаётган тафовутларни бартараф этиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси ва Кадастр агентлиги маълумотлар базаси интеграция қилиниб, тизим тўлиқ автоматлаштирилди.

Албатта, биз бошлаган ишлар бир кунда ҳал бўлиб қолмайди. Бунинг учун, биринчи навбатда, малакали кадрлар базасини яратимиз лозим. Шу боис, агентлик ходимларини қайта ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, соҳада олий маълумотга эга мутахассислар улущини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратялмиз.

— Президентимиз иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, ҳар бир туман ва шаҳарни жадал ривожлантиришга кучли

туртки бериш, муаммоларни тезкор ҳал этиш мақсадида ҳудудларга тегишли вазирлик ва ташкилотлар бириктирилди. Туманларни янада раванқ топтириш, 3 йилга мўлжалланган 10 та устувор йўналиш бўйича фаол иш олиб бориш эндиликда уларнинг муҳим вазифаларидан бирига айланади. Хусусан, Хўжайли туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда инвестицион салоҳиятини ошириш масалаларига Давлат солиқ қўмитаси раиси масъул этиб бириктирилди. Шундан сўнг туманда Давлат солиқ қўмитаси раисининг махсус штаби ташкил этилди. Унинг асосий фаолияти қандай масала ва муаммоларни ҳал этишга қаратилган?

— Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистоннинг 16 та тумани янада раванқ топтириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари 3 йил муддатга ер, мол-мулк солиғи, кичик корхоналарнинг айланмасидан олиннадиган солиқ, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий миқдордаги даромад солигидан озод этилишини таъкидлади. Бундан ташқари, тараққиёт даражаси паст бўлган туманларда янги ташкил этиладиган саноат корхоналарига ҳам 3 йил муддатга солиқ ва боғжона имтиёзлари берилиши қайд этилди.

Қўмита томонидан бу борада амалий чоралар қўрилиб, қуйи тузилмаларга тегишли топшириқлар берилди.

Давлат солиқ қўмитаси раисининг махсус штабини ташкил этишдан мақсад Хўжайли туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни пухта ишлаб чиқиш ва изчил ижросини таъминлашдан иборатдир. Бундан ташқари, тумани ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилмаган дастур-

“ХУДУДНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН 2020-2022 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН 259,1 МИЛЛИАРД СЎМ ҚИЙМАТИДАГИ 100 ГА ЯҚИН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ. УШБУ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИШИ НАТИЖАСИДА 721 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ. УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲАМ ФАОЛ ИШТИРОКИ ТАЪМИНЛАНАДИ.

Штаб аъзолари томонидан тумани ички имкониятларини ҳисобга олиб, саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича қиймати 32 миллиард сўмга тенг бўлган 31 та лойиҳа шакллантирилди.

Ҳудуд аҳолиси бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш борасида ҳам манзилли чоралар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда туманда 30 мингдан ортиқ оилада 123 минг аҳоли истиқомат қилади. Шундан 2 796 та оиланинг 12 446 нафар аъзоси “темир дафтар”га киритилган бўлиб, уларнинг 5 068 нафари меҳнатга лаёқатли.

Жорий йил 1 октябр ҳолатига меҳнатга лаёқатли 2 896 фуқаронинг бандлиги таъминланиб, 1 170 та оила камбағаллар рўйхатидан чиқарилди. Қолган 1 626 та оиладаги ана шундай ҳолатдаги 2 172 фуқаронинг бандлигини таъминлаш бўйича ишлар давом этмоқда.

Хўжайлида иқтисодий жиҳатдан шароити паст деб баҳоланган 2 та маҳалла мавжуд. Ушбу маҳаллалардаги 1 554 та хонадонда 5 427 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Ҳудудни ривожлантириш ва муаммоларни ўрганиш мақсадида тумандаги иқтисодий комплекснинг масъул аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилди ва ҳар бирининг вазифалари белгиланди.

Шу билан бирга, туманда ободонлаштириш, инфратузилма, коммунал



лар, ҳукумат қарорлари ҳамда бошқа барча йўналишлардаги ишларни пухта ташкил этиш борасида 4 та сектор ҳудудидаги 19 та маҳалла, 7 та овул ва 1 та шаҳарчада жами 16 та округ шакллантирилиб, уларга ҳокимликнинг бўлим бошлиқлари ҳамда тумандаги ташкилот раҳбарлари масъул этиб бириктирилди.


Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва бандлигини таъминлаш учун 2020-2022 йилларга мўлжалланган 259,1 миллиард сўм қийматдаги 100 га яқин инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 721 та янги иш ўрни яратилади. Уларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг ҳам фаол ишти-

роки таъминланади.

Жинойатчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида хавфсиз ҳудуд бўйича тумандаги аҳоли гавжум жойларнинг 74 та манзилли дислокацияси аниқлаб олиниб, 24 та онлайн-камера ўрнатилди. Бунга қўшимча тарзда яна 10 та камера ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда Хўжайли туманини 2020-2021 йиллар давомида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги дастурни пухта ишлаб чиқишга қаратилган ишлар ҳам якунланмоқда.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Абдурауф ҚОРЖОВОВ суҳбатлашди.





Ташаббус қанот ёзди



Ҳаним Йўлдошев олган суратлар.

АЁЛЛАР ВА ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДА ЯНГИ ВА САМАРАЛИ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Жамиятнинг асоси бўлмиш оилани аёлсиз тасаввур қилиш қийин. Аёлга муносибат – миллат, давлат, эртанги кун ва келажак авлодга бўлган ҳурматни намойён этишнинг асосий мезони ҳисобланади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аёллар масаласида жамиятда гендер тенглигини таъминлаш, аёлларимиз учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, ёшларнинг ўз билим ва салоҳиятларини тўлақонли намойён этишнинг таъминловчи тизимлари яратилди. Ҳууссан, ҳозирги пандемия даврида бу борадаги ишлар самарасига ҳар қачонгидан-да кўпроқ эътибор қаратилади.

Утган ҳафта давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлашда бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

миз раҳбари томонидан юртимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхати, яъни “темир дафтар” тузилган, эндиликда ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари” шакллантирилиши таъкидланди. Бу рўйхатлар “темир дафтар”дан алоҳида бўлиб, унга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар киритилиши белгилади.

Шунингдек, бу ташаббусни амалга ошириш механизми Хатирчи тумани ва Янгиер шаҳри мисолларида тушунтириб ўтилди.

Ҳақиқатан ҳам бугун юртимизда хотин-қизлар ва ёшлар аҳолининг катта қисмини ташкил этмоқда. Натижада ижтимоий масалаларнинг аксарияти айнан шу икки қатлам вакиллари иштирокида ҳал этилмоқда.

Шу боис, мазкур икки йўналиш бўйича Ўзбекистонда давлат сиёсатини маҳалла даражасигача юритадиган вертикал тизим яратилмоқда.

Бугун давлатимиз раҳбари томонидан жамиятда аёллар ва ёшлар фаоллигини ошириш ҳамда улар дуч келаётган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш учун илгари сурилаётган “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари”ни шакллантириш учун ёшлар масалалари бўйича ҳар бир туманда алоҳида ҳоким ўринбосари, унинг 3 нафаргача мутахассиси, Ёшлар ишлари агентлиги бўлимининг 3 нафар ходими, вилоятда ҳам ҳоким ўринбосари, Ёшлар ишлари агентлиги бўлимининг 11 нафар ходими фаолият юритяпти. Хотин-қизлар масалалари бўйича ҳар бир маҳаллада алоҳида раис ўринбосари, туманда – маҳалла ва оила бўлими бошлиғи ўринбосари ва 2 нафар мутахассиси, вилоятда эса 8 нафаргача штат бирликлари ташкил этилган.

Эндиликда ишлар самарадорлигида янгича ёндашув ва механизмлардан ҳам кенг фойдаланилади. Яъни, сектор раҳбарлари ва мутахассиси идоралар вакилларига ҳар бир маҳалладаги ҳолатни ўрганиш, ёшлар ва аёллар билан бирма-бир мулоқот қилиб, эҳтиёжларини, қизиқишларини аниқлаш борасида ҳам аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

“Ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари”га киритилган ишсиз ёшлар ва хотин-қизларда мотивация уйғотилиб, касбий кўникмалар шакллантирилди. Мамлакат келажигини таъминловчи аёллар ва ёшлар масаласида мутлақо янги, замон талабларига мос иш услублари асосида муаммолар ечимига эришилади.

Бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар ва ёшларнинг фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш, жамият ва давлат ҳаётининг барча баҳаларида ўзларининг иқтидор ва салоҳиятларини тўлақонли намойиш этишига кенг имкониятлар яратди.

Бахтиёр ИБАТОВ,
Сурхондарё вилояти
Денов тумани ҳокими:

– Денов Сурхондарёнинг аҳоли зич яшайдиган ва саноатлашган туманларидан бири. Ҳудудда 388,2 минг фуқаро яшайди. Уларнинг 54,3 минг нафари 18-30 ёшли йигит-қизлардир. Шу боис ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келамиз.

Жорий йилда сектор масъуллари, маҳаллалар фаоллари, бандлик маркази вакиллари ҳамда турли корхоналар раҳбарлари саъй-ҳаракати билан 5 133 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди.

Кўздан ўт чақнаб турган гайратли ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида “Чағонён агро томорқа хизмати”, “Ёш авлод лалми боғи”, “Барлос лалми боғи”, “Денов ёшлари лалми боғи”, “Мароқанд Денов парранда” каби кооперативлар тузилиб, 86 гектар ер ажратилди. Уларнинг ҳар бирига Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан 111,5 миллион сўмдан, “Мароқанд Денов парранда” МЧЖга 223 миллион сўм субсидия берилди. Ҳозир бу кооперативларда 500 га яқин йигит-қиз самарали меҳнат қилляпти.

“Yoshlar — kelajagimiz” давлат дастури доирасида тумандаги тижорат банклари томонидан наслил отларни боқиш ҳамда

Алишер ЖУМАЕВ,
Сурхондарё вилояти
Олтинсой тумани ҳокими:

— Олтинсой тумани Сурхондарё вилояти харитасида пайдо бўлганга 35 йил тўляпти. Бугунги кунда туманда 177,2 минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 87,1 минг нафари хотин-қизлар ва 45,5 минг нафари ёшлардир.

Бекорчилик ҳамма иллат сабабчиси. Сир эмас, рўзгордаги жанжал, ажратишлар, асосан, ишсизлик ва етишмовчиликдан келиб чиқади. Доимий даромад бўлмагандан кейин ҳали оқ-қорани танимайдиган ёшлар қинғир ишга қўл уриши, ноҳўя йўлларга кириб қолиши ҳеч гап эмас. Шу сабаб, уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратганимиз. Туманимизда тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қулайликлар яратилаётгани ҳамда амалий ёрдам кўрсатилаётгани самарасида иш ўринлари кўпайтирилляпти. Ишсизликни қамайтириш, камбағалликни қисқартриш ечимлари изланяпти.

Иил бошида 2 645 та камбағал оила аъзолари рўйхати шакллантирилиб, “темир дафтар”га киритилган. Ҳозир уларнинг аксарияти доимий даромад манбаига эга бўлди. Айниқса, камбағал оилалар аъзоларини ишли қилишга қўшма ҳужжалиги соҳасида тузилган “Эл-хус”, “Шижоатли ёшлар”, “Жарлосой соҳили”, “Янги Обшир боғзори”, “Кичик Вахшивор далалари” каби ишлаб чиқариш кооперативларининг ҳиссаси катта бўляпти. Бу кооперативларга 44,6 гектар ер ажратилиб, ҳар бирига Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан 111,5 миллион сўмдан субсидия берилди. Уларда 223 нафар йигит-қиз деҳқончилик, боғдорчилик билан шўғулланмоқда.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА БАНДЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

лок-бўёқ ишлаб чиқариш лойиҳалари учун 500 миллион сўм кредит ажратилиб, 18 та ёш ишли бўлди. “Ҳар бир ёшга бир гектар” лойиҳаси доирасида 378 гектар ер ажратилиб, 406 йигит-қиз бозорларга қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етказиб берапти.

2019-2020 ўқув йилида туманимиздаги умумтаълим мактабларини 5755 нафар ўқувчи тамомлади. Уларнинг 633 нафари

зиммамизга олганми. Уларнинг рўйхати “ёшлар дафтари”га киритилиб, пешма-пеш ишли қилиш чорасини кўрялғимиз. Бундан ташқари, ёшларнинг хоҳиш ва истаклари инобатга олинб, талаб юқори бўлган касб-хунарга ўргатилаётди.

Президентимизнинг мутлақо янги тизим, тартиб ва ёндашувлар асосида хотин-қизлар фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш бўйича белгилаб берган топшириғига асосан, уйма-уй юриб, муаммоларни ҳал этиб, ишга жойлаштириш чорасини излялғимиз. Биргина сентябрь ойининг ўзида 50 нафар хотин-қиз ишли бўлди. Жумладан, 26 нафари корхона, ташкилотларга ишга жойлаштирилди, 4 нафари вақтинча ҳақ тўланадиган жамоат ишга жалб қилинди. 5 аёл тадбиркорлик рўйхатидан ўтиб, қандолат маҳсулотлари тайёрляпти.



ри олий таълим муассасаларига талабалик қабул қилди. Уқишга киролмаган ва касб-хунар эгаллашни ният қилган йигит-қизларни иш билан таъминлашни

қизиқишлари бўйича касбга ўқитилмоқда. Шубҳасиз, йил охиригача “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари”га киритилганларнинг ҳаммаси ишли бўлади.

бошқа касаначилик маҳсулотлари етказиб бермоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ажратилган 1,5 миллиард сўм эвазига туман марказида Термиз шаҳридаги “ЗИФ текстиль” корхонасининг филиали ташкил этилди ва 350 нафар хотин-қизнинг доимий бандлиги таъминланди. Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан ажратилган 500 миллион сўмга гилам тўқиш цехи очилиб, 300 га яқин хотин-қиз ишли бўлди. Бундан ташқари, жамғарма томонидан 50 нафар хотин-қизни касб-хунарга ўқитиш асосида ҳар бирига ойма-ой 223 минг сўмдан стипендия тўланапти. Уларга хунар ўргатаётган устозларнинг ҳар бирига эса 2 миллион сўмдан ойлик маош берилляпти.

Вилоят “Хунарманд” уюшмаси хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида туманимизга гилам тўқиш ускуналарини келтириб ўрнатди. Демак, яқин кунларда яна ўнлаб хотин-қизларимиз янги даромад манбаига эга бўлади.

Қишлоқларимизда ишсиз аёллар сони ҳам оз эмас. Бугунги кунда 520 нафардан зиёд ана шундай ишсиз хотин-қиз “аёллар дафтари”га киритилди. Уларнинг 15 нафарига тадбиркорлик билан шўғулланиш учун шароит яратиб бериллади. Утган йили тадбиркорлик рўйхатидан ўтган, лекин фаолият кўрсатмаётган 31 та корхона фаолиятини қайта тиклаш ҳисобидан 250 хотин-қизни ишли қилишни мақсад қилган. Хотин-қизлар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 11 аёлга тадбиркорлик билан шўғулланиши учун 263 миллион сўм кредит ажратиш чораси кўриляпти. Шунингдек, 210 нафар хотин-қиз узини ўзи банд этаётганлар рўйхатига киритилиб, фойдаланишга йўналтирилди.

“Аёллар дафтари”: ШАҲНОЗА ТИКУВЧИ, ЗЕБО ТАДБИРКОР БЎЛДИ

Рўзимбой ҲАСАН,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги “Маданий ер” МФЙда яшовчи Шаҳноза Жуманиёзова шу кунларда жуда хурсанд. Негаки, ишсиз, оиласини боқишга қийналиб қолган бу аёлга туман ҳокимлиги замонавий тикув машинаси олиб берди.

У энди кўшилири, маҳалласидаги фуқароларнинг тикиш билан боғлиқ ишларини бажариб даромад топади. Унинг бу хурсандчиликка эришишига ижтимоий аҳоли ўрганилиб, “аёллар дафтари”га киритилгани сабаб бўлди. Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг эҳтиёжманд аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги топшириқлари ижроси юзасидан жойларда “аёллар дафтари” шакллантирилмоқда. Шу асосда хотин-қизларни тизимли равишда моддий ва маънавий қўллаш тизими йўлга қўйилди.

Хонқа туманидаги 44 та маҳаллада 185,5 минг аҳоли яшайди. Уларнинг 93 мингта яқини хотин-қизлардир. Айни пайтда 496 нафар хотин-қиз “аёллар дафтари”га киритилди. Уларнинг 73 нафари ногиронлиги ёки ногирон фарзанди борлиги тўғрисидаги дафтардан ўрин олган. Шунингдек, боқувчисини йўқотган, чет элда бўлиб қайтган, оиласидан ажрашган ёки

ажрашиш арафасида бўлган, камбағал деб топишган аёллар ҳам бор.

Ҳозир “аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни ижтимоий, маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида чора-тадбирлар белгилиниб, улар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш, касб-хунарга ўқитиш, имтиёзли кредитлар олишига кўмаклашиш, иссиқхоналар қуриб бериш каби жараёнлар бошлаб юборилди. Уларнинг 67 нафари ўзини ўзи банд қилишга, 42 нафари хунармандликка, 215 нафари мавсумий ишларга жалб қилинган. Ўз бизнесини бошлаш иштиёқини билдирган 31 хотин-қизга имтиёзли банк кредитлари ажратилиб режалаштирилган. Шунингдек, 37 нафар хотин-қиз касбга тайёрлаш курсларига йўналтирилган, уларга келгусида муқим иш ўрни ажратиш чоралари кўриляпти.

— Эҳтиёжманд аёлларимизни доимий иш билан таъминлаш мақсадга эришишнинг бош мезонидир, — дейди Хонқа тумани ҳокими ўринбосари, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Ҳожибой Абдураҳмонов. — Ҳозиргача “аёллар дафтари”га киритилган 30 нафарини иш билан таъминладик. Шунингдек, 73 нафарини бўш иш ўринларига жалб қилиш чоралари кўриляпти. Бу масалани маҳаллалар кесимида ҳар кун иш ўрганиб, тадбиркорлар билан яқин алоқани йўлга қўйганимиз. Шу ўринда айтиш жоизки, кўрилаётган тежор чоралар натижасида қўллаб-қувватлаш ишлари ўз даромадига эга бўлиб, рўзгорини қийналмасдан юритмоқда.

— Халқимиз “қимирлаган қир ошар”, деб беҳудага айтмайди. Тақдир тўғрисида эҳтиёжманд бўлиб қолганда, — дейди “Маданий ер” МФЙда яшовчи Зебо Бобонова. — Эҳтиёжманд аёл сифатида “аёллар дафтари”га киритилди ва 29 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағ эвазига ўз бизнесини йўлга қўйиб, кам таъминланган оила вакили бўлган икки аёлни ҳам иш билан таъминламоқчимиз.

Бу сўзларни Зебохон кўзларида қувонч ёшлари билан айтди. Бундай миннатдорчи сўзларини кўрсатилаётган эътибордан мамнун бошқа аёллардан ҳам эшитиш мумкин.

бири. Йилдан йилга ривожланаётган пиллачилик соҳасидаги ютуқларда Беруний тумани пиллакорлари ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасига эга. Беруний “Агропилла” МЧЖ томонидан 1 635 нафар касаначи билан шартнома тузилган бўлса, буларнинг ичиде “темир дафтар” да турган оилалар сони кўпчиликини ташкил қилади. Қўш фаолият ҳам пиллачилик билан шўғулланаётган оилалар даромадини ошириш борасида туманда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

“Шоббоз” овул фуқаролар йиғини худудидаги Абу Али ибн Сино маҳалласида истиқомат қилувчи Норгул опа Алламова 20 йилдан буюн пилла етиштириб, оилавий анъанани давом эттириб келмоқда. Биргина охириги мавсум — октябрь ойида 80 килограмм ҳосил топишган оила аъзолари ҳар бир килограмм ҳосил учун 20 минг 400 сўмдан пул олди.

— Пилланинг меҳнатига яраша даромади ҳам бор, — дейди Норгул опа. — Бу йил пандемия даврида уйда бекор ўтирмасдан, 4 марта пилла топширдик. Даромадимиз кам бўлмади, баракасини берсин.

Хоразм вилояти:

Чекка туманда замонавий ўқув маркази

Р.ҲАСАНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ҳазорасп тумани марказида Рақамли технологиялар ва IT-тадбиркорлик ўқув маркази иш бошлади. Марказ замонавий техникалар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда ёшлар учун ахборот технологиялари, дастурлаш, робототехника

Хоразм вилояти:

Чекка туманда замонавий ўқув маркази

Р.ҲАСАНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ҳазорасп тумани марказида Рақамли технологиялар ва IT-тадбиркорлик ўқув маркази иш бошлади. Марказ замонавий техникалар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда ёшлар учун ахборот технологиялари, дастурлаш, робототехника

ва электрон тижорат соҳасидаги инновацион тадбиркорлик йўналишларида ўқув курслари фаолият юритади. Қизилқуман ёшлар босқич-ма-босқич ўқиш жараёнида ахборот технологиялари бўйича малакали мутахассис бўлиб етишиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Шунингдек, марказда корхона ва ташкилотлар ходимлари рақамли иқтисодиёт бўйича малака ошириб, кўникмаларга эга бўлади.

Бу янгилик вилоятнинг чекка ва энг кўп аҳоли истиқомат қилувчи тумани ёшлари учун ҳақиқий совға бўлди.

Янги ўқув маркази очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўринбосари Қ.Йўлдошев иштирок этди ва бундай ўқув марказлари барча туманларда ташкил қилиниши бўйича ишлар олиб борилаётганини айтди.

Худудларимизда...

Қорақалпоғистон Республикаси:

Тут барги экспортга

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Беруний туманида тут барги экспортга чиқарилаётганини эшитиб, унинг фойдасини ўргандик. Маълум бўлишича, — октябрь қандали диабет касаллиғига қарши дори ишлаб чиқариш, доривор чой тайёрланар экан.

Мутахассисларнинг айтишича, тут барги сентябрь ойи охири — октябрь ойи бошида, яъни совуқ уришдан ўн кунча олдин териб олинб, бир муддат намлигини сақлаган ҳолда ёйиб қўйилади. Жорий йилда бу янги технология Беруний туманида синовдан ўтказилди. 10

кун ичиде 30 тонна тут барги йиғилди. Туманда қизилмия илдизини Хитойга экспорт қилувчи инвестор билан тузилган шартномага мувофиқ, тут баргининг 1 килограммига 1500 сўмдан тўланади. Асосийси, бу ишни касаначилар бажарди. Дарахтга зиён етказмасдан барги териб олинаётгани сабабли у баҳорда яна қўлайвереди.

— Қуритилган тут барги Хитойга етказиб берилади. Ҳозир барглари бир хил намлик шароитида қуритиш учун териб қўйилган. Тут барглари пилла қурти етиштириш давомида тўрт мавсумда териб олинди, — дейди Беруний туманидаги “Агропилла” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мухаббат Аннамуратова.

Табиятнинг ўзи шифокор, дея шунга айтишса керак. Ҳар бир неъматда ҳикмат бор. Пилла етти хазинанинг

Интервью

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДОЛЗАРЪ ВАЗИФА

Бошланиши 1-бетда

Жорий йилнинг 12 октябрь куни Президентимиз раислигида интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда соҳадаги қатор муаммо ва камчиликларга эътибор қаратилди. Хусусан, мамлакатимиз бу борада дунё бозоридан узоқлашиб кетгани, илмий институтларимиз инновациялар, тармоқлар эса харидорғир ишланма ва брендлар ярата олмаётгани тилга олинди, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириб, интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтириш, ҳар бир идора ва тармоққа илмий ютуқларни олиб кириш масалалари муҳокама қилинди.



Русланбек ДАВЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
адлия вазири:

— Одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қиладиган янги фикрлар ҳар доим жуда катта қийматга эга бўлган. Ҳозир рақобат кучли, ғоялар бозори шаклланган. Тадбиркорларимиз, олимларимиз, шoir ва ёзувчиларимиз яратаётган ижод маҳсуллари, катта-катта ишланмалари, аввало, халққа енгиллик туғдириши керак. Улар томонидан яратиладиган интеллектуал бойлик-

ни ҳимоя қилишда эса давлатнинг ўз функциялари бор.

Утган йили Президентимиз қарори билан Интеллектуал мулк агентлиги Адлия вазирлиги ҳузурида қайта ташкил қилиниб, бу борада жуда кўп ўзгаришлар амалга оширилди. Мазкур тизим институционал нуқтаи назардан кучайди. Кадрлар салоҳияти, моддий-техник базаси кескин ошди. Рағбатлантириш тизимлари йўлга қўйилиб, хориж давлатлари билан ҳамкорлик алоқалари кучайди. Охириги бир йил ичида 3 та халқаро шартнома имзоланишига эришилди. Бу, албатта, Ўзбекистоннинг институционал жозибадорлигини оширади. У билан бирга юртимизга янги технологиялар, янги ғоялар кириб келади.

Йиғилишда соҳадаги ҳар бир масала чўқур таҳлил асосида, танқидий муҳокама қилинди. Айниқса, тизимни такомиллаштириш жараёнида соҳа билан ҳудудни, ҳуқуқий ҳимоя билан яратиш жараёнини боғлаш бўйича жуда катта ишлар қилиниши керак. Бу борада алоҳида 3 йиллик дастур ишлаб чиқилди. Интеллектуал мулк агентлиги томонидан жалб қилинган чет эллик экспертлар ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишга ёрдам берапти. Уйламанки, бугун йиғилишда айтилган муаммоларнинг ечимлари биз ишлаб чиқарадиган янги қонунчилик ҳужжатлари, амалиётдаги ўзгаришлар, соҳада иштирок этувчи иштирокчиларни рағбатлантириш орқали комплекс тарзда тизимни ривожлантиришга хизмат қилади.



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси инновацион
ривожланиш вазири:

борада муаммоларимиз етарлича. Йиғилишда интеллектуал мулкни ривожлантириш, уни ҳимоя қилиш ва келажақда янги Ўзбекистоннинг бу борадаги босадиган қадамлари тўғрисида аниқ топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан сўнгги йилларда Инновацион ривожланиш вазирлиги зиммасига қатор ишланмаларни тижоратлаштириш вазифаси юклатилган эди. Аммо тижоратлаштиришлар иқтисодийетимизда кўринмаётгани ўринли танқид қилинди. Энг катта

сабаблардан бири интеллектуал мулкни тўғри баҳолай олмаслик, бу борада мутахассисларнинг етишмаслиги, бозорга олиб чиқиш сотишда тармоқларнинг ўрни йўқлиги ва уларнинг бундан манфаатдор эмаслигидир. Шундан келиб чиқиб, қатор идоралар, жумладан, Инновацион ривожланиш вазирлиги илмий-тадқиқот институтидаги олимларнинг ишланмаларини ҳар бир илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари кесимида тижоратлаштириш, уларга қўмак ва имтиёз бериш, дунё бозорига

олиб чиқиш, халқаро миқёсда ҳимоялаш бўйича қарор лойиҳасини ишлаш вазифаси қўйилди. Бу борада қатор ишларни амалга ошириш талаб этилади. Янги модел, яъни, интеллектуал мулк агентлигини Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказиш, тармоқлар ва Инновацион ривожланиш вазирлиги тарафидан жорий қилиш масаласининг қўйилиши рақобатни пайдо қилади. Бунинг натижасида патентларга бериладиган эътибор кучаяди. Йиғилишда айтилганидек, энди тармоқлар институтларга бориб, илмий тадқиқотни кўриб, ўзлар патент қилади. Эндиликда агар тармоқлар бренд қиламан деса, илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлайди.

— Албатта, ҳар бир илмий ишланмани иқтисодийетга йўналтиришдаги биринчи босқич интеллектуал мулкни ҳимоялашдир. Бу



Тўлқин АБДУСАТТОРОВ,
Интеллектуал мулк агентлиги директори:

— Мамлакат ривожини, илм-фан тараққиётини, товарларнинг ўз брендига эга бўлишини, пировадиди турмуш даражамиз ошишини истасак, интеллектуал мулкка алоҳида эътибор беришимиз керак. Йиғилишда ана шу масалалар батафсил кўриб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистонда инвестицион жозибадорлигини ошириш ҳам бевосита шунга боғлиқлиги таъкидланди. Яъни, ҳар бир маҳсулотнинг интеллектуал мулк ҳимояси қай даражада таъминланса, хорижий инвесторлар-

нинг қизиқиши ва ишончи ҳам шунча ортади. Маҳаллий корхоналар, ишлаб чиқарувчи субъектларнинг ҳам ўз миллий брендига эга бўлиши, шу билан бирга, товарларнинг тижоратлашуви ва муҳофаза масаласининг ҳал этилиши ўз-ўзидан товар белгиларининг қимматлашуви ҳамда янги ривожланиш босқичларига кўтарилишини таъминлайди.

Бу масалалар биргина ташкилот ёки вазирлик томонидан қилинадиган ишлар эмас. Бу оддий тадбир-

кордан тортиб, ҳокимлик органи ҳодимларигача барчага тааллуқлидир. Қолаверса, муаллифларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилинмас экан, улар ўз қалам ҳақини тўлақонли ололмаган экан, шу соҳа ҳам ўз-ўзидан ривожланишдан тўхтабди.

Шунингдек, йиғилишда интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда муаллифлик ҳуқуқининг бузилиш ҳолатлари ҳамда наشريётлар билан ишлашда ижодкорларнинг қалам ҳақини олишда дуч келаётган муаммоларига ҳам тўхталиб ўтилди. Энг асосийси, ҳар бир ташкилот ўзи учун муҳим бўлган вазифаларни белгилаб олди.

Ислоҳотлар самараси

Бошланиши 1-бетда

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

САНОАТИ
РИВОЖЛАНАЁТГАН ВОҒА

Сирдарё туманидаги “Сирдарё универсал ойна” МЧЖ янгиланаётган вилоятнинг ёрқин кўзгусидир. “Сирдарё” эркин иқтисодий зонаси ҳудудда ташкил этилган мазкур корхона фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун шиша идишлар ишлаб чиқаради. Эътиборга молик жиҳати, корхона иш бошлаганидан буён кўп вақт ўтмаган бўлса-да, экспортёрлар сафига киришга улгурган. Шунингдек, ушбу мажмуа мамлакатимиздаги дори-дармон саноати учун қадоқлаш воситалари ишлаб чиқараётган ягона корхона бўлиб, хомашё сифатида фақат ўзимизнинг маҳсулотлардан фойдаланади. Лойиҳанинг ишлаб чиқариш қуввати йилга 102 миллион донга шиша идишни ташкил этади. Корхонада 450 киши меҳнат қилади. Экспорт қуввати 2 миллион АҚШ долларига етди.

Кейинги йилларда йўл қурилиши соҳасига илгор лойиҳаларнинг жорий эти-



лиши эвазига тизим самарадорлигига эришилмоқда. Албатта, соҳа ривожланишида сифатли хомашёни тезкор равишда етказиб бериш муҳим омил ҳисобланади. Ховос туманида Хитой технологияси асосида қурилиши бошланган асфальт-бетон заводи яқинда ўз фаолиятини бошлади. 90 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 4 миллиард 60 миллион сўмни ташкил этади.

“PENG-SHENG” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ишлаб чиқариш ҳамжамини катталиги билан вилоятда алоҳида ўрин тутди. Корхонада оёқ кийимлар, чармдан ишланган буюмлар, электрон қўлфлар, керамика плита, сантехника жиҳозлари ишлаб чиқарилади. Хорижий мамлакатларга экспорт қилинаётган маҳсулотларга бўлган талаб ортиб бораётгани мазкур корхонанинг мамлакатимиз иқтисодийетидида муҳим ўринга эга эканини кўрсатади. Кези келганда айтиш жоизки, корхона ҳудудда Ўзбекистон — Хитой дўстлик боғи ҳамда 30 ўринли мактабга таълим ташкилоти барпо этилган. Сўлим боғининг ёнгинасида жойлашган мазкур МТТда машгулотлар ўзбек, хитой, инглиз ва рус тилларида олиб борилади. Шунингдек, корхонага қарашли 150 гектар ер майдонига томчилаб сўғориш технологияси асосида парваршиланаётган гўзалар жуда серхосил, ҳар гектаридан камиди 50 центнер ҳосил олинади.

Вилоятнинг Сайхунобод туманида 2020 йилда 28 йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши кўзда тутилган. Улардан 8 таси саноат, 5 таси хизмат кўрсатиш, 15 таси эса қишлоқ ҳўжалигига тааллуқли. Саноат йўналишидаги йирик лойиҳалардан бири Сайхунобод тумани “Фаровон” МФЙда ташкил этилган “Salor in don non” МЧЖдир. Бугунги кунга қайта ишлаш орқали сифатли ун маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган ушбу лойиҳанинг қиймати 19,9 миллиард сўм. Корхона тўла қувват билан ишлаб бошлашга, ички бозорга 5,5 миллион, экспортга 7 миллион АҚШ долларлик маҳсулот сотади.

ГИДРОПОНИКА УСЛИДАГИ
МАҲСУЛОТ ТАШҚИ БОЗОР
ТАЛАБИГА МОС КЕЛЯПТИ

Вилоятда ташкил этилган йирик қўшма корхоналардан бири Мирзаобод туманидаги “Бек кластер” масъулияти чекланган жамияти ҳисобланади. Ушбу корхонага вилоятдан 18 минг гектар ер берилган. Ушбу ерларда пахта, ғалла ва бошқа донли экинлар парваршиланмоқда. Ерга, экинларга ишлов берадиган янги замонавий техника воситалари харид қилинган. Мазкур қўшма корхонани ташкил этишдан мақсад қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни халқаро талаблар асосида етиштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспортбоп қилиб тайёрлаш эди. Бунинг учун қўшма корхона ҳузурида маҳсулотларни етиштириш, қайта ишлаш ва текшириш илмий-амалий маркази ташкил этилди. Марказда тупроқ таҳлили, ўсимликлар биотехнологияси, селекция ва пахта уруғчилиги, ўсимликлар генетикаси лабораториялари фаолият юритмоқда. Бошқача айтганда, “Бек кластер” да қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришга илмий асосда ёндашилади.

— Бунинг сабаблари бор. Шу пайтагача деҳқончиликда ўсимликлар селекцияси, генетикасига эътибор берилмаган, — дейди “Бек кластер” раҳбари Улугбек Сотиболдиев. — Тўғри келган нав дала, ер қандай бўлишидан қатъи назар, экилаверган. Ҳар бир даланинг, ернинг тупроқ қатлами ўрганилмаган. Қандай бўлмасин, экин экаса, ҳосил олсақ, баъс, деган фикрга асосланган. Энди эса ҳаёт деҳқончиликда экиннинг ҳосилдорлигини оширишни, сифатини яхшилашни, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни, тўйимлигини кучайтиришни талаб қилмоқда.

“Бек кластер” да ана шундай муаммолар илмий асосда ҳал қилинади. Энг муҳими, корхона ўзи экади, етиштиради ва сотади. Яъни, қишлоқ ҳўжалиги санотлаштирилади. Қўшма корхонада 100 гектар майдонда Жанубий Корея технологияси асосида замонавий гидропоник иссиқхона барпо қилинмоқда. Иссиқхонада йилга 50 миллион долларлик маҳсулот етиштириш ва уни 100 фоиз экспортга чиқариш режалаштирилган. Ҳозир ишлаб чиқаришнинг мазкур замонавий занжир усули туфайли корхона ихтиёрига берилган майдонлардан аввалги йиллардагига нисбатан 7 центнер кўп ҳосил олинмоқда. Бунга, аввало, ернинг унумдорлигини ошириш ва вегетация жараёнида илмий ҳамда инновацион ёндашувлар асосий мезон бўляпти. Энг муҳими, кластернинг ҳар бир аъзоси пировадиди натижа мўмай даромад келтиришини тўлиқ англади. Яъни, буни ҳосил етиштирувчидан уни тайёр маҳсулот ҳолига келтирувчигача бўлган мустаҳкам ришта-занжир, деб тасаввур қилиш мумкин.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ: ТАРАҚҚИЁТ САРИ ТАШЛАНГАН ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

янги лойиҳаларни амалга ошириш, иш ўринлари яратиш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, турмуш шароитини яхшилаш бўйича ислоҳотларда намоён бўлмоқда



ЯНГИ ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИ,
ЯНГИ ИСТЕЪДОДЛАР

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, вилоят ҳудудда экин майдонларининг шўрланмиш даражаси юқори. Ҳатто минглаб гектар ерлар неча йилдирки, яроқсиз ҳолга келиб, бекор турибди. Давлатимиз раҳбари бевосита танишган “Gran Ruta De La Seda” корхонасининг 9 гектарлик иссиқхона эдилди. Яна “Бек кластер” томонидан Гулистон ва Янгиер шаҳарлари оралигидаги йўл ёқасидаги абгор ҳолда ётган ерда ҳам ана шундай йирик иссиқхона қурилди. “Тошкент — Термиз” автомагистрали четидидаги гидропоника усулидаги 35 гектарлик иссиқхона фойдаланишга топширилди. Президентимиз топширигига биноан, уларда етиштирилаётган маҳсулотлар тури ҳам ранг-баранг, энг муҳими, ташқи бозор талабига мос бўлади. Масалан, Мирзаҷул қовунини плёнка остида етиштириб, қишки экспортини ҳам йўлга қўйиш режалаштирилган. Яна тупроқ ўрнини босувчи кокос чинкидиси ёрдамида маҳаллий шароитда камбук ўстириш ҳам мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилнинг февраль ойида Сирдарё вилоятга ташрифи чоғида Ҳалима Худойбердиева ижод мактабини ташкил этиш тақдирини билдирган эди. Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг “Гулистон шаҳрида Ҳалима Худойбердиева номидаги она тили ва адабиёт фанини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Яхши ният билан илк пойдевори қўйилган бу мактаб ҳозир адабиёт, санъат, умуман, ижод аҳлини бир жойга тўплайдиган масканга айланди. Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, у ерда ўқув хоналари, шоира ҳаёти ва ижоди музейи, маҳаллий шароитда камбук ўстириш ҳамда фаол-

лар зали, наشريёт ва тўғарак хоналари, 100 ўринли ошона ва ётоқхона, ёзи ва қишки спорт майдони, қишки боғлар мавжуд.

— Бино архитектураси нафақат замонавийлиги, балки миллий руҳда жиҳозлангани билан алоҳида аҳамият касб этиб турибди, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Сирдарё вилояти бўлими раҳбари Ғайбулла Юсупов. — Ижодкор ҳаётига бағишланган музей ўқувчилар учун шоира ҳаётига оид билимлар ва хотира-лар масканига айланиб улгурди. Ушбу ижод мактабда 13 та тўғарак фаолият юритиб, ёшларни мактабнинг ўзида ёқ касб эгалари қилиб тарбияламоқда. Мунтазам ўтказиб борилаётган маҳорат дарслари, ёзувчи ва шоирлар, маданият арбоблари билан ижодий мулоқотлар ўқувчилар ва устозларни янада маънавий яқинлаштиряпти. Мактабнинг барча ўқувчилари тўғаракларга қамраб олинган. Уларнинг рус, инглиз, турк ва корей тилларини ўрганишга қизиқиши ва иштиёқи баланд. Шубҳасиз, мазкур таълим маскани ёшларимизнинг баркамол инсон бўлиб вояга етишига асрлар оша хизмат қилади.

МУТТАСИЛ ҲАЁТ ҚАЙНАГАН
МАСКАН

Сирдарё вилояти мамлакатимизнинг марказий қисмида, минтақамиздаги энг катта дарёлардан бирининг бўйида жойлашган бўлиб, ҳудудда сайёҳликнинг айрим турлари, айниқса, экотуризмни ривожлантириш имкониятлари катта. Шунини ҳисобга олган ҳолда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан вилоятнинг мазкур йўналишидаги салоҳиятини ошириш йўлида изчил ишлар қилиняпти. Жумладан, 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигининг 3 та

оилавий меҳмон уйи, 5 та ресторан ва кафе ҳамда туроператорлик субъектлари ташкил этилди, шунингдек, туристик тоифадаги микроавтобус ҳамда электромобиллар қатнов бошланди. Гулистон темир йўл вокзали ҳамда “Шохруҳ” меҳмонхонаси ҳудудда туризм аҳборот марказларининг фаолияти йўлга қўйилиб, шаҳарда Wi-Fi зоналари ташкил қилинган меҳмонлар учун катта қулайлик бўлди. Сирдарё вилоятининг туристик салоҳиятини рўёбга чиқаришда меҳмон ва сайёҳларни жалб қилувчи жиҳатларга, хусусан, “Шарқ экзотикаси” алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, вилоят ҳудудидан ўтувчи автомагистраль йўл бўйларига туячиликни ривожлантириш билан шуғулланувчи тадбиркорлар ва фермерлар томонидан ўтовлар қурилиб, туя сути ва эсдалик совғалар сотуви йўлга қўйилди. Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида Гулистон шаҳрининг туристик хариталари, туристик буклет, флаер ва рисола ишлаб чиқилиб, бепул тарқатила бошланди. Туристик салоҳиятини тартиб қилишчи тарғиб-бот-реклама баннери ўрнатилди. Бу каби сайёҳаракатлар натижасида хорижий мамлакатлардан ташриф бурувчи сайёҳлар кўрсаткичи сезиларли даражада ошди. Демак, вилоятда тарихий ёдгорликлар Сардоба обидаси, Эски Ховостепа ва бошқа бир неча археологик аҳамиятга эга манзиллар билан чекланса-да, экотуризмни ривожлантириш имконияти катта. Ана шу максатда бугун дарё бўйида бир неча туристик лойиҳалар татбиқ этиш устида ишлар олиб бориламоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугун нафақат навқирон Сирдарёнинг кўриниши ва кўркамлиги тубдан ўзгармоқда, балки кечмиши минг йиллик тарихга эга ҳудудларида ҳам эврилишлар, янгиланишлар юз бермоқда. Улкан бунёдкорликлар босиб яёдоқ чўл деб тасаввур қилинган Сирдарё вилояти кун сайин гуллаб, яшнаб, чирой очиб бормоқда.



21 октябрь — Ўзбек тили байрами кун

Мустақил давлатчилигимиз ТИМСОЛИ



Азамат ТОШЕВ, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси ўринбосари

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 23 сентябрь кунги БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида миллий бойлигимиз, мустақил давлатчилигимиз тимсоли бўлган ўзбек тилида нутқ сўзлаши барча туркий тилли халқлар учун тарихий воқеа бўлиб, қалбларимизга гурур ва ифтихор бағишлади.

Мамлакатимиз раҳбарининг 200 га қўн давлат аъзо халқаро ташкилот минбаридан ўзбек тилида дунёда тинчликни таъминлашга қаратилган амалий ташаббуслар билан чиқиб, жаҳон ҳамжамияти оқлишига сазовор бўлиши Ўзбекистоннинг тўлақонли мустақил давлат сифатида ўз овозига эга эканининг яна бир ёрқин далилидир.

Зеро, она тили ҳам ҳар бир миллат ва давлатнинг маҳияси, байроғи ва герби каби мамлакат мустақиллигини белгиловчи асосий мезонлардан биридир. Шунингдек, она тилининг таъкидлаш лозимки, собиқ иттифоқ давридаёқ Ўзбекистонда "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқининг маънавий тикланиш йўлидаги буюк жасорати бўлиб, давлат мустақиллигига эришиш учун мустаҳкам замин яратди.

Агар сайёрамизда мавжуд 7 мингдан зиёд тилнинг фақат 200 га қўнгина давлат тили ёки расмий тил мақоми берилгани эътиборга олинса, ўзбек тилининг сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётиимиздаги ўрни ва аҳамияти нақадар юксак эканини англаш қийин эмас.

Мустақиллик йилларида миллилатимизнинг қалб кўзи саналган она тилимизни ривожлантириш, улугъ аждодларимиз қолдирган бебаҳо маънавий меросни ўрганиш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш учун ҳуқуқий асослар яратиш мақсадида қатор қонун, Президент фармони ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Конституцияимизнинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили экани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида тегишмақор қилувчи барча миллат ва эллатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши белгилаб қўйилган.

Яратилган норматив-ҳуқуқий база ўзбек тили билан бирга, мамлакатимизда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва эллатнинг ўз она тилини ривожлантириш ва уни эркин қўлашдан иборат конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланишни

ҳам қаролатлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда миллий тилларни ривожлантириш учун кенг шароит яратилгани, бугунги кунда юртимизда таълим-тарбия муассасалари етти тилда фаолият юритаётгани жамиятимиз ҳаётида миллатлараро аҳиллик ва ҳам-жиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари шиддат билан ривожланаётган мамлакатимизда она тилимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги мавқеини янада ошириш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида ўзбек тили ҳаққоний давлат тилига айланаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Жумладан, 2018 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги қонунда давлат тили Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тили экани аниқ белгилаб қўйилгани она тилимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиш борасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини кучайтириш, таълим-тарбия тизимида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитиш ҳамда юқори малакали тилшунос кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш мақсадида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилди. Бу эса, ўз навбатида, она тилимизни ривожлантиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтарди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган йилгиликда мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистонда 21 октябрь — Ўзбек тили байрами кунуни эътиб белгилангани барча соғлом фикрли инсонларнинг қувончига сабаб бўлди.

Ўзбек тилининг чинакам жонқуярлари хотирасига бағишлаб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Адиблар хибобни барпо этилиши халқимиз таваққурини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тили ривожлантириш департаменти ташаббуси билан ўтказилаётган "Қадринг баланд бўлсин, она тилим" танлови давлат тилига нисбатан миллий гурур ҳиссини тарбиялаш, тилимизнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш, энг муҳими, давлат тилига оид муаммоларни ҳал этишда ижодий ёндашушни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Танловнинг Ўзбекистонда ва чет элда яшовчи фуқаролар, "Ўзбек тили дўстлари" клублари аъзолари, шунингдек, барча ўзбек тилини ўрганувчилар ўртасида ўтказилиши турли миллат вакиллари учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Жумладан, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг ҳамкорлари бўлган юртимиздаги 144 та миллий маданий марказ, 36 та дўстлик жамияти, шунингдек, 15 та хорижий давлатдаги 38 та ватандошлар жамияти аъзолари "Қадринг баланд бўлсин, она тилим" танловида фаол иштирок этмоқдалар.

Бу эса, ўз навбатида, ўзбек тилининг қўлаши доирасини кенгайтириш, юртимизда ва хорижда яшаётган турли миллатларга мансуб ватандошларимизнинг она тилимизни ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўиши учун тенг шароит яратиб бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил давлатчилигимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш, давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар келажақда миллий маънавиятимизни юксалтириш, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларнинг камол топтириш, ёшларни она тилига муҳаббат руҳида тарбиялашда мустаҳкам пойдевор бўлади.

Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади



Давлатимиз раҳбари ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда узлуксиз таълимнинг барча босқичлари хусусида кенг қамровли таҳлил асосланган, салмоқли фикр-мулоҳазаларини билдирди, соҳага доир мақсад ва вазифаларни белгилаб берди. Ўқув-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича мутасаддилар олдида турган долзарб масалалар хусусида сўз юритиб, жумладан, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини кучайтириш бўйича ҳам танқидий фикрлар ва қатор таклифларини баён этди.



ПРЕЗИДЕНТ, ИЖОД ВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАР

Учинчи Ренессансга элтадиган юксак салоҳиятли янги авлод бешиги



Мухбиримиз агентлик раҳбари Хилола УМАРОВА билан сўхбатлашиб, давлатимиз раҳбари нутқида илгари сурилган таклифлар ижроси, тизимдаги таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ўқув жараёни кечишига доир саволларга жавоб олди.

— Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ташкил этилгани ҳали кўп бўлгани йўқ. Уни ташкил этишдан асосий мақсад иқтидорли ёшлар билан ишлаш, уларнинг чуқур таълим олиши учун муносиб шарт-шароит яратиш ва барча умумтаълим мактаблари учун ўрнак ва андоза вазифасини ўташига эришишдир, — дейди Хилола Умарова. — Ҳозир тизимда 16 та таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Жумладан, 4 та Президент мактаби, 9 та ижод мактаби ва 3 та ихтисослаштирилган мактабда 3095 нафар ўқувчи турли фан йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган таълим олмақда.

Айни пайтда агентлигимиз ва унинг тасарруфидига мактаблар шаклланиши жараёнида. Дарҳақиқат, ҳали олдимизда бажарилиши керак бўлган вазифалар талайгина. Давлатимиз раҳбари буларни яна бир бор эслатиб ўтди.

Мамлакатимизда таълим-тарбия масаласига, айниқса, охириги уч-тўрт йил давомида эътибор тубдан ўзгарди. Олдимизга янги вазифалар қўйилди. Таълим сифати ва ўқитувчилар малакасини ошириш, ўқув дастурлари ҳамда дарсликларни такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Таълим сифатини ўқитувчилар белгилайди. Шундай экан, уларнинг илмий салоҳиятини, тажрибасини ошириш керак. Шу маънода, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги тасарруфидига баъзи мактабларга хорижлик педагоглари жалб қилиш ва ўзаро тажриба алмашиш амалиёти йўлга қўйилгани ижодий натижа беряпти. Бу тажрибани келгусида ҳам омма-лаштиришда давом этамиш. Фақат шунинг ўзига эмас, педагоглари малака ошириш учун хорижага юбориш ҳам юртимизда ўқитиш самарадорлигини оширишга ҳисса қўшади.

Президент мактаблари базасида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказларини очиниши режалаштирилган. Таклиф қилинган юқори малакали чет эллик ўқитувчилар тажрибасини ўрганиб, маҳаллий муаллимлар малакасини босқичма-босқич оширамиз. Шунингдек, педагоглариимизнинг Кембриж таълим дастури асосида хорижда малака ошириши ва қайта тайёрловдан ўтиши учун шароит яратамиз.

Таълим жараёнини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш мақсад қилинган. Шу ниятда Президент мактаблари учун хорижда замонавий дарсликлар ва ўқув дастурлари олиб келинди. Олдимизда мазкур дастурларни маҳаллий мутахассислар билан ўрганиб, улар асосида янги авлод дарсликларини яратиш вазифаси турибди. Албатта, бу жараёнда буюк аждодларимизнинг меросини ҳам чуқур ўрганишимиз, улардан дарсликларимизда тегишли мавзулар бўйича фойдаланишимиз лозим.

— Ихтисослаштирилган умумтаълим мактаблари тармоғини ривожлантириш бўйича агентлик томонидан қандай ишлар бажариляпти? — Айтганимдек, ҳозир мамлакатимизда

4 та Президент мактаби фаолият юритмоқда. Айни пайтда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги Президент мактабларининг қурилиш ишлари якунланмоқда. 2021 йилда юртимизнинг қолган ҳудудларида ҳам мана шундай нуфузли таълим муассасалари барпо этилиши режалаштирилган.

Президентимизнинг шу йил 12 августда "Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, юртимизнинг барча ҳудудидики кимё ва биология фанларига ихтисослаштирилган 14 та янги мактаби босқичма-босқич ташкил этилади. Таянч мактаб бўлиши учун таълим муассасалари минимал талабларга жавоб бериши керак. Масалан, ўқув мактабларида мазкур фанлар бўйича малакали ўқитувчилар бўлиши зарур. Қолаверса, лабораториялар ташкил этиш масаласи ҳам бор.

Ҳозир тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда мактабларнинг имкониятлари ўрганиб чиқилмоқда. Ҳозирги натижаларига кўра, таянч мактаблар рўйхати шакллантирилди.

Агентлик тасарруфидига Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернати фаолият юритмоқда. Табиий фанларга ихтисослашган таянч мактабларни ташкил этишда турли таълим муассасаси тажрибаси ўрганилади. Шу билан бирга, ўқув мактаблари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилди.

Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида ижод мактаблари мавжуд эмас. 2021 йилда Бухоро вилоятида Мухтор Ашрафий, Сурхондарё вилоятида Рўзи Чориев номидаги ижод мактаблари фаолияти йўлга қўйилади.

Келгусида Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ҳам ижод мактабларини ташкил этиш орқали ушбу ҳудудларнинг иқтидорли, ижодкор ўқувчилари учун замонавий шарт-шароитларда она тили ва адабиёт ҳамда хорижий тиллар бўйича чуқур билим олиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, ҳудудларда аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактабларни ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Агентлигимиз янги ижод ва ихтисослашган мактабларни очиниш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишлашга тайёр.



Агентлик ўқитиш самарадорлиги юқори бўлган ихтисослаштирилган мактабларнинг тажрибасини ўрганиш борасида ҳам изчил ҳамкорлик олиб бораёпти. Жумладан, Тошкент шаҳридаги Президент мактаби Қорақўл "Халқаро математика мактаби" билан 2019 йилдан берли ҳамкорлик қилиб келади. Бу йилдан шериклик қўлаш яна ҳам кенгайди. Октябрь ойининг сўнгги ҳафтасида мазкур мактаб вакиллари Президент мактабига келиши кўтилмоқда.

2020-2021 ўқув йилининг иккинчи чоррағидан Қорақўл "Халқаро математика мактаби"нинг олий тоифали математика фани ўқитувчилари ва Президент мактабининг хорижлик педагоглари ўртасида

ўзаро тажриба алмашуви йўлга йўлга қўйиш учун онлайн дарс ва тренинглар ташкиллаштириш, халқаро олимпиадаларда совринли ўринларни эгаллаб келаётган ўқувчилар ўртасида ҳам мулоқотни йўлга қўиши режалаштирилган.

IELTS IDP вакиллари билан ҳам ҳамкорлик бошладик. Энди ўқувчиларимиз 9-синфдан бошлаб IELTS имтиҳонини топшириши мумкин.

— Давлатимиз раҳбари байрам нутқида ўғил-қизларнинг ахборот технологияларга қизиқишини янада ошириш ва уларнинг етук мутахассис бўлиб етишиши учун зарур шароит яратиш, шу йўналишда янги мактаблар очини зарурати ҳақида ҳам сўз юритди. Бу борада агентлик олдида қандай вазифалар турибди?

— Ахборот технологиялари ҳаётимизда муҳим роль ўйнамоқда. Мамлакатимиз бу соҳада жаҳон бозоридики рақобатбардош бўлиши учун "ай-ти" бўйича малакали мутахассислар керак. Шу мақсадда Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб очилган эди. У Тошкент шаҳрида фаолият юритяпти. Президентимиз бундай мактабларни ҳудудларда ҳам ташкил қилиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берди.

Ҳозир тегишли ташкилотлар бу мактабларни ташкил этиш бўйича керакли чора-тадбирларни кўрмоқда. Агентлик ва Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб бу жараёнда ўз тажрибаси билан ўртоқлашишга тайёр.

Агентлик тасарруфидига мактабларда ҳам ахборот технологияларини ўқитишни ривожлантириш ниятиимиз бор. Жумладан, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабда барча ўқувчиларнинг дастурлаш тилини ўрганиши учун тизимли ишлар бажарилади. Муассаса айна пайтда хорижийнинг EPAM ва Microsoft компаниялари билан ҳамкорлик қилмоқда.

EPAM компанияси ўқитувчиларнинг ахборот технологиялари бўйича малакасини ошириш ва баҳолашга қаратилган бўлса, Microsoft компанияси билан "Hour of code" дастури доирасида ёшларни дастурлашга ўргатиш бўйича иш олиб борилади. Бундай ҳамкорлик бошқа компаниялар билан ҳам йўлга қўйилади ҳамда агентлик тизимидики бошқа мактабларда ҳам жорий этилади.

— Пандемия туфайли таълим жараёнининг онлайн тизимга ўтказилгани агентлик тасарруфидига таълим муассасалари ўқувчилари билимига қай даражада таъсир этади? Келгусида ўқувчилар билимида қузатилиши мумкин бўлган бўшлиқларни тўлдирishi бўйича бирор чора-тадбирлар белги-ланганми?

— Коронавирус инфекциясининг тарқалиши ҳаёт тарзимиз, жумладан, ўқитиш тизимига ҳам талай ўзгартиришлар киритди. Онлайн таълим пандемия даврида фарзандларимизга билим беришнинг асосий воситасига айланди. Бундай шароитда таълим беришнинг бошқа оптимал йўли йўқ эди, назаримда.

Ҳозир пандемия туфайли видеодарслардан хорижий мамлакатларда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Мисол учун, YouTube ёки таълим сайтларига кирсангиз, турли мавзулардаги видеодарслар мавжуд. Улар ёрдамида билим олиш, дастурлашнинг ёки чет тилини ўрганиш мумкин. Айни пайтда фарзандларимизга мустақил билим олиш кўникмаси етишмапти. Улар мустақил билим олиши ва маълумот қидириши ўрганиши керак.

Тизимимиздаги таълим муассасаларида ҳам ҳозир таълим онлайн олиб борилади. Ўқитувчиларимиз ўқувчиларнинг пухта билим олишини қатъий назорат қилапти. Педагоглар фарзандларимизга ўзлаштиришга қўйналган мавзулар бўйича қўшимча тушувча бериш ҳамда қўмақлашга доим тайёр.

Анъанавий таълим тизимига ўтганимиздан кейин ўқувчиларнинг билими яна бир баҳоланади. Қўшимча дарслар ёрдамида билимни қузатиш бўшлиқлар тўлдирилади.

— Давлатимиз раҳбари байрам нутқида "Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади" деган фойда ҳар бимизимиз ўзимиз учун шир қилиб олишимиз зарурлигини таъкидлади. Бу бежиз эмас. Қайд этганингиздек, янги даврда мамлакатимиз илм-фанини юқори босқичга олиб чиқадиган бўлгуси олимлар, замонавий мутахассислар, шўхасиз, агентлик тасарруфидики таълим масканларидан чиқishi кўтиляпти. Бу мақсадга эришиш учун Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблардаги ўқитиш жараёнига қандай янги технология ёки методлар жорий этилиши режалаштирилган?

— Президентимиз байрам нутқида "Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади" деган фойда ҳар бимизимиз ўзимиз учун шир қилиб олишимиз зарурлигини таъкидлади. Бу бежиз эмас. Қайд этганингиздек, янги даврда мамлакатимиз илм-фанини юқори босқичга олиб чиқадиган бўлгуси олимлар, замонавий мутахассислар ва дунё илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган болоборимизга муносиб авлодни тарбиялаш бўйича агентлик бир неча йўналишда иш олиб бормоқда.

Жумладан, Президент мактабларидаги таълим дастурларини ўқитишнинг фанлараро ёндашувиға — интеграциялашувиға асосланиб, ўқувчилар эгаллаган билимларни баҳолашнинг замонавий услубларини амалиётга жорий этдик. Келгусида Президент мактабларида фаолият юритаётган хорижий ҳамда маҳаллий ўқитувчилар иштирокида ўқувчиларнинг эгаллаган билим, малака ва кўникмаларини ҳаётга татбиқ этиш имконини бера оладиган миллий ўқув дастурини яратиш ва такомиллаштириш ниятиимиз бор.

2020-2021 ўқув йилида ўқув фанларининг сони ўртача 11 тагача камайтирилди. Бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган фанлар ўзаро интеграциялаштирилиб, ўқув фанларининг сони оптималлаштирилди. Натижада ўқувчиларга орқича оқулмамон оқди олинди.

Баҳолаш тизими шаффофлигини таъминлаш ҳамда баҳо учун ўқитиш тушунчасини йўқотишга ҳаракат қилиямиз. Шу мақсадда STEM фанларидики мавжуд бўлганлик, маҳаллий фанлардан ҳам қучли ва самарали назорат ишлари базаси яратилмоқда. Бу жараёнда болаларнинг билимини баҳолашда ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашуш учун жорий (қўнлик) баҳолаш ва рейтинг тизимидан воз келилмоқда. Ўғил-қизларнинг қоралик баҳолари жорий ва оралик назорат ишлари натижаларига асосланиб чиқарилади. Шунингдек, фойзаларда ифодаланади. Натижада ўқувчиларнинг келажақда A-Level, IGCSE ва давлат имтиҳонларини топшириш бўйича тажрибаси ошади.

Президент мактабларида STEM йўналишидаги фанларни ўқитиш учун маҳаллий ўқитувчиларнинг кўникма ва малакаларини ошириш мақсадида чет эллик ўқитувчилар томонидан мунтазам касбий ривожлантириш дарслари олиб борилади.

Ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун қўлай шарт-шароит яратиш, шу жумладан, барча усунлар билан жиҳозланган лабораториялар ташкил этиш борасидаги саяй-ҳаракатларни давом эттирамиз.

Ўқувчиларимизда ижодий ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, STEM фанларини хориж тажрибаси асосида ўқитиш тизимини такомиллаштириш режалаштирилган. Бунинг асосида таҳлилий кўникмалар, танқидий фикрлаш қобилияти, эгалланган билимларни амалда қўллаш лаёқатини шакллантиришга қаратилган STEM фанларини ўқитиш методикаси таълим муассасалари шарт-шароитларига мослаштирилди.

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ҳамда "Эл-юрт умиди" жағмамоси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Ҳужжат доирасида агентлик ходимлари ривожланган мамлакатларда малака ошириш, тизимда фаолият юритувчи ўқитувчилар эса қисқа муддатли стажировкаларда билим ва кўникмаларини ошириш имкониятига эга бўлади.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Хайридинмурод АБУЛҲАЙЗОВ сўхбатлади.

Музаффер АБДУЛЛАЕВ билан сўхбатлар.

Миллат фидойилари

Юрт озодлиги ва халқ бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган буюк зотларнинг эъзозлаш, уларнинг илмий-маърифий, адабий-бадий мероси беқиёс аҳамиятини муносиб эътироф этиш ҳамда келгуси авлодларга етказиш муқаддас қадрият саналади.

БУЮК ХИЗМАТЛАРНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ



Худойберди ҲАҚНАЗАРОВ, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Давлатимиз раҳбарининг 1 октябрь — Ҳақназаровнинг 2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб дамида маърифат машъаласини баланд кўтариб чиққан улғу аллома ва жамоат арбоби Махмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланишини таъкидлаб, жадидалик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз, маъруза маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топишимиз, бу бебаҳо бойликни фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етишига алоҳида урғу бериб ўтганди. Илм-фан, маърифат бобида ренессанс яратган жадидалик мероси, таълим-тарбия борасидаги сайй-ҳаракатлари бугун глобал аҳамиятга эга бўлган кўплаб муаммоларни бир аср олдин ҳис эти олганларининг дилолати ҳисобланади.

фатпарварлар шахсий намуна орқали бу ҳаракат ривожига катта ҳисса қўшган. Ижтимоий-сиёсий таназул, тушкунлик, парижонликнинг асл сабаби илм-маърифатдан йироқлашув экани кўплаб жадида арболари томонидан таъкидланган. Хусусан, Фитрат “Ҳақиқатан ҳам, тушкунлик ва хароблигимизнинг сабабларидан бири илмсизлик ва ҳаракатсизликдир”, деб алоҳида айтиб ўтган эди. Бунда илмсиз киши танбал, ҳаёт йўлидан адашган кимса сифатида таърифланиб, миллат ва ватан келажаги учун зарар келтириши ифодаланган. Абдулла Авлоний илмга таъриф берар экан: “Илм деб ўқимак, ёзмаки яхши билмак, ҳар бир керакли нарсаларни ўрганмакни айтаман. Илм дунёнинг иззати, охирагининг шарофатидур. Илм инсон учун фоят олий ва муқаддас бир фазилатдур”, деган. Илмсизлик мислсиз фожия сифатида кўрилиб, илмсиз кишилар ота-онасига, қариндош-уруғига, ёр-дўстига, дин ва миллатига фойда келтириши ўқда турсин, ўзи учун ҳам зарурий бўлган амаллари бажара олмаслиги билдирилади. Жадидалик мафкурасида инсоннинг бутун ҳаёти, саломатлиги, саодати, сарвати ва турмуши, ҳиммати ва гайрати, дунё ва охираги илмга боғлиқ ҳолда кечishi мислланади.

Дарҳақиқат, илм билмаган нарсаларни билганлардан фарқланмайдиган мунавварқори Абдурашидовнинг таъбири билан айтганда: “Илм — одамнинг эҳнини очар, ақлини ортирар, билмаган нарсаларини билдирур, дунёда бахтли ва иззатли қилур. Охирагда саодатли ва шарофатли қилур”. Тарбия ёки ахлоқ илмга ҳам жадида маърифатпарварлари ижодида кенг ўрин берилган. Авлонийнинг “Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслагини тутамак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмақдир”, деган фикрлари ҳақиқатан ҳам ёшлар онгини бунёдкор ғоялар асосида тарбиялаш орқали кўплаб салбий иллатларнинг олди олинишига ишоради.

Маърифат фидойилари ўша давр жонил кимсаларининг тухма-маюмларига дучор бўлди. Аввал чор ҳукумати, кейинчалик совет ҳукумати уларни айёсиз қувғин ва қатагон қилди. Миллий ўғонши ва тараққиёт эл-юртимиз учун армон бўлиб қолди. Шу боис, уларнинг улғу номларини, буюк хизматларини муносиб эътироф этиш бугунги куннинг муқаддас вазифаси саналади. Нега деганда, бу фидойи ва жонқур зотлар бутун умрларини миллий ўғоншига қўйиб, бахтлилик билан ҳаётини сарфлаган эди. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда илм-фан ва таълим ишларига қизиқишгина эмас, аввало, соҳага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиш билан белгиланади. Бу борада “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шугулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги қарори илмий таъкиотларни рағбатлантиришда янги босқич бўлиб хизмат қилади.

Шундай экан, илм-фанни янада раванқ топтириш орқали ёшларни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш олимлардан катта шижоат ва амалий натижадорлик талаб этади.



Санъат



ТЕАТР, ЭНГ АВВАЛО, ТАРБИЯ МАСКАНИДИР

ёхуд республика кўғирчоқ театрларининг анъанавий фестивалидан сўнг

Маданият вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган республика кўғирчоқ театрларининг анъанавий XII кўрик-фестивали яқинда ўз ишини якунлади. Фестиваллар одатда соҳада эришилган янги ижодий кашфиётларни намойиш этиш, шу билан бирга, галдаги вазифаларни аниқлаб олишда муҳим саналади. Шу маънода республика кўғирчоқ театрлари фестивали ҳақидаги хабар қанчалик қувончли бўлса, унинг онлайн шаклида ўтказилишини эшитиб таратдудланганлар ҳам бўлди. Жонли ўқро ва жамоавий сезимга асосланган театр санъати учун бу шакл ноодатий эди. Бутун дунёда содир бўлаётган ҳолат томошабинни ҳам шароитга мослаштирди.



Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Фанлар академияси Академияшунослик институти директори ўринбосари, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Фестиваль доирасида республикада фаолият юритаётган 10 жамоа ўз спектакли билан иштирок этди. Намойиш этилган спектакллар мавзуси ва жанри турлича. Одатдагидек, эртак асосида яратилган асарлар кўп. Эртак воқеаларни замонавийлаштиришга, бугунги муаммоларни асар воқеаларига синдириб, тарбиявий аҳамиятини кучайтиришга интилишлар кўзга ташланади. Тарихий мавзуларни ўзлаштириш, митоз меросини саҳнада жонлантириш йўлидаги изланишлар кўп қувонтирди. Ўзбек адабиёти намуналари қатори жаҳон адабиётига мурожаатлар бўлди. Спектакллар актёрларнинг жонли ижодлари билан бойитилган, бошловчилар чикишлари билан тўлдирилган бўлган бугунги ўзбек кўғирчоқ театрида ўзига хос услубий изланишлар кечаётганидан далолат. Эеро, айнан мана шу ҳолатлар саҳна ва томошабин ўртасидаги мулоқотга хизмат қилаётгани эътирофи.

Фестивални Ўзбек миллий кўғирчоқ театри жамоаси “Маша буви ёлган бугирсоқ” (муаллиф ва режиссёр Э.Орипова, расом М.Рўзметова) спектакли билан очиб берди. Энг кичик томошабинлар учун мўлжалланган кўчү спектакль рус эртаклари инсценировкаси асосида яратилган. Бу услубдан театр жамоаси кўп фойдаланади. Дуслик, ўзаро меҳр-оқибат ва оила қадр-қиммати ҳақида фикрлар илгари сурилган спектакль қисмлари пухта ўйланган. Хусусан, асар воқеаларига томошабинни тайёрлашга йўналтирилган муқаддимада — уй фашистаси кўйидаги бошловчининг саҳна томошага тайёрлаши орқича тафсилотлардан холи бўлиб, ўрнида қўйилган. Шу маънода, актёрлар ҳаракати ва кўғирчоқлар ўртасидаги муносабатлар саҳна ва томоша зали ўртасидаги боғлиқлигини жонлантиришга хизмат қилган.

Ушбу йўналишдаги спектакллар сирасига Жиззах вилояти кўғирчоқ театрининг “Тилла тўқли оху”, Бухоро вилояти кўғирчоқ театрининг “Сирли чашма”, Самарқанд вилояти кўғирчоқ театрининг “Кулоқ, бурун, дум” спектакллари ҳам киритиш мумкин. Ушбу спектаклларда сеҳр-жоду орқали мўъжиза рўй берса-да, воқеалар реал ҳаётга яқинлаштирилган сабаб улардан бугунги кун нафаси сезилиб туради.

“Тилла тўқли оху” (муаллиф И.Жуманов, режиссёр К.Исомова, расом Л.Ганиев) спектакли Шарқ халқлари эртакларидаги

воқеаларни ёдга солади. Спектаклда болалар характериға хос хислатлар бадий тарзда ҳайвонларга кўчирилган. Она табията бўлган меҳр, уни асраб-авайлаш ғояси, болажонларни ҳайвонот оламиға ошно қилиш ниёти асар тарбиявий аҳамиятини кучайтиради. Овчининг қизи ва тузоқча тушиб қолган оху ўртасидаги дўстона муносабатлар сабаб воқеалар кечимининг ижодий тус олиши асар таъсир кучини оширади. Пухта ишланган диалоглар қисқа-лўндалиги билан эътиборли. Спектакль театрга режиссёрнинг роли катта эканини яна бир бор тасдиқлади.

Бухоро вилояти кўғирчоқ театрининг “Сирли чашма” (Т.Аҳмад шеърли достони асосида Гулчехрабону инсценировкаси, режиссёр Е.Вардашева, расом С.Эргашева) спектакли безорилик, ёвузлик жаҳозси қолмаслиги ҳақида ҳикоя қилади. Асар бош қаҳрамони Жавлон танқит бобосининг сўзларига қулқол солмайдиган қайсар бола. У эркилигиндан меҳнатга бўйин эмгайди, атрофдаги табиятга, жониворларга доимо озор беради. Тош отиб қушининг қанотини синдиради, тузоқ қўйиб мушукни қарфасга солади. Мушукнинг уни озод қилишни сўраб ялғизлишига жавобан “менга дўст керакмас”, дейишида ҳам ундаги худбинлик буй кўрсатади. Айнан мана шу хислати уни табиятга ҳаёт бағишлаб турган чашма устига ҳарсанг тош босиб, унинг кўзини ёпиб қўйишига сабаб бўлади. Натигада озор қўрган жонотлар уни жазолашни сўрайди. Ушбу илтижоларни тинганлар сеҳри чашма Жавлонни айдиқ айлантдириб қўяди. Воқеалар кечимида сувсизлик оқибатида жабр қўрган жонотларнинг булоқ кўзини очиб йўлидаги ҳаракатлари, тошни суришга қулқари етмаслиги ва охири-оқибат айдиқ кўйидаги Жавлоннинг ҳаракатлари сабаб булоқ кўзининг очилиши сюжетни ечим томон етказилади. Спектаклда илгари сурилган ғоя жажжи болажонларни табияти севишга, жониворларни асрашга ва бобо-бувиларнинг насиҳатларига қулқол тутмиша ундайди. Шу ўринда декорацияда деталларнинг қўрилиши саҳнадаги кўғирчоқларнинг эркин ҳаракатига тўқсонлик қилаётганини айтиб ўтиш ўринли.

Бола тарбиясида муҳим бўлган жиҳатларни бугунги кун воқеалари мисолида саҳнада гавдаланган асарлар ҳам фестивал кун тартибиде алоҳида ўрин тутди. Хусусан, Самарқанд вилояти кўғирчоқ театрининг “Кулоқ, бурун, дум” (муаллиф А.Карев, режиссёр А.Ниязов, расом Н.Султонов) спектаклида кўркўвини енга олманган бола бошидан кечирган қизиқари воқеалар интерактив шаклда намойн булган. Спектакль болаларнинг мард, жасур, қўрқмас бўлиб юлға етишида ота-оналар ўрни ва масъулияти хусусида ўйлашга ундаши билан эътиборли. Бунда тўғри тарбиянинг аҳамияти ҳақидаги ғоя илгари сурилди.

Хоразм вилояти кўғирчоқ театрининг “Қалдирғоч ва майна” (Муаллиф М.Шодиева, режиссёр Г.Юсупова, расом Ш.Екубов) асари пандохна шаклида бўлиб, эртак томоша жанрида саҳналаштирилган. Спектакль ет ғояларга берилмаслик ҳақида. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий зиддиятнинг қаҳрамонлар ўртасидаги тўқнашувлар орқали ифодаланган. Асар бош қаҳрамони Қалдирғочбек “қора қўчлар” — Майналар таъсирига тушиб қолади ва уларнинг алдо-ви туфайли ўзи туғилиб ўсан макони тарк этади. Майналар қалдирғочнинг соддалигиндан фойдаланиб, уни тўғри йўлдан адаштириб, хавфу хатар исканжасига ташлаб қо-

чиб қолади. Мушук чангалига тушиб қолган Қалдирғочбек адашганини тушуниб етади ва ота-онасини ёрдамга қақиради. Уларнинг қўмаги билан мушук чангалдан қутулиб, туғилиб ўсан дўрига қайтади.

Табият ва инсон, улар ўртасидаги муносабатлар Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театрининг “Сахро Бембийи” (муаллиф А.Бегимова, режиссёр Қ.Қалилаев, расом М.Бейгелдиев) спектаклида жонланган. Асарда ўз подасидан ажралиб, адашиб қолган сайғоқ боласини инсон фарзанди асраб олади ва унга ғамхўрлик кўрсатади. Болакай сайғоқча Бембийи деб ном беради ва уни парварзлаб, катта қилмоқчи бўлади. Сахрода сайғоқ боласини топиб олганини сезган йигитчанин дўстлари Бембийини ундан зўраонлик билан тортиб олмоқчи бўлади. Жониворға меҳри тушиб, уни яхши қўриб қолгани боис, бутун вужуди билан Бембийини ҳимоя қилган болакайнинг хатти-ҳаракатларидан таъсирланган очми сайғоқларни бошқа отмасликка сўз бериб, унинг ўз оиласига қайтишига ёрдамлашади. Спектакль ижодкорларнинг турли оилаларда катта бўлаётган ҳар хил феълли болаларнинг табията муносабатини қиёспаш орқали тўғри йўлга чорлаш, табиятни асраб-авайлаш ва қадрлашга йўналтириш ниёти шу маънода ўз ижобатини топган.

Андихон вилояти кўғирчоқ театри жамоаси ўз олдиға тарихий шахс образини яратиш вазифасини қўйиб, “Шероқар ёхуд Бобур ҳақида кикса” (муаллиф М.Рўзиев, режиссёр Д.Шайхов, расом А.Жабборова) спектаклини яратган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур адабий безорилик, ёвузлик дамлари акс этган спектакль ижодкорлари, аввало, томошабинлар аудиторияси имкониятлари ва қизиқлиқларини эътиборға олган. Бунда болаларнинг севимли қаҳрамонлари, хусусан, “Оповудиннинг сеҳри чирони” эртагидеги очқу Жаъфар образи Абу Жоҳил тирмолида, “Али бобо ва қирқ қароқчи” эртагидеги қароқчилардан бири Букри образида тасвирланади. Шу маънода шакл ва мазмун жиҳатдан эртакға яқин бўлган асар тарихий монобаларға таъниб яратилган. Воқеалар шаҳона сарой фондида, мусика журлигида ривожланади. “Йилгон” ривоятига келтирилган хазиналар яширинган гор билан боғлиқ тафсилотлар асосий воқеалар тизимиға синдирилган. Тўғри, асарда Бобур сиймоси ўзининг бутун буй-басти билан намойн бўлмади, унинг жамиятдаги ўрни, буюклиги сабаблари ҳали тўла очилмаган. Бирок тан олиш лозим, томошабинга қизиқтирган қилмишларнинг вориси эканини таништириб боришға интилишнинг ўзи таҳсинға лойиқ.

Фестиваль бадий-ғоявий юксак, катта фалсафий маъно ташувчи асарлар кўғирчоқ театрлари репертуари учун ҳам муҳим бўлиб, уларнинг ўз томошабинни мажмуида лиғини яна бир бор исботлади. Хусусан, Қашқадарь вилояти кўғирчоқ театри жамоаси Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достониға мурожаат этар экан, жамиятда инсоннинг ўрни хусусида фикрлашға ундайди. “Қуш тили” спектаклида (Х.Расул инсценировкаси, режиссёр Ш.Юсупов, расом М.Маматов) инсон қалбида эзгулик ва ёвузлик уруғлари мавжудлиги, фақатгина зўғу фазилатлар ва соғлом фикр билан ёвуз тўғру устидан ғалаба қозониш мумкинлиги ғояси илгари сурилди. Асарда тилға оллинган ғоя ва тушунчалар қушлар сўҳбати орқали ёш томошабинларға етказилади. Саҳнада Тош, Лочин, Бурут, Майна, Ҳўдхўд сингари қушларнинг сўҳбатлари ва ҳаракатлари орқали ҳақиқатни англаш йўлидаги интилишлар ўзига хос услубда баён этилади. Касофат номли қуш тирмолида вужудда мавжуд бўлган ҳасад ва разолат боқий эмаслиги, уни енгиш мумкинлиги кўрсатилган. Шу маънода спектаклда инсон ўзини ва қалбини анласа, ҳар қандай фалокат ва қаҳиб ниятлар уни тарк этиши ва орзу-сиға етиши мумкинлиги ғояси синдирилган. Асар хотимасидаги покланган қушларнинг бирлашувидан таркиб топган Семурғ қуши сиймоси адолатнинг тантанаси бўлиб жавобланади. Унинг тилидан анраган “Адолатли шох ўзиниғиз” сўзлари Навоий даҳоси, ўз қўтарган муаммолар асрлар ўтса-да, ўз қадрини йўқотмай, оҳори тўқилмай келаётганиға ишора.

Миллий адабиётимизнинг бу каби но-дир намуналари саҳна санъатини янги

услубий изланишлар билан бойитишда муҳим омил эканини Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театрининг “Қодирий қулдирганда...” (А.Қодирий асарлари асосида Ш.Дўстмухаммад инсценировкаси, режиссёр Ш.Юсупов, расом Э.Бегимов) спектакли ҳам тасдиқлайди. Бу саҳна асарига адибнинг “Савдогар”, “Қалвак Махсум”, “Тошпўлат тажан” сингари кичик ҳикоялари асос қилиб олинган. Миллий, халқона руҳдаги спектакль қарнай-сурнай, ноғора садолари журлигида бошланиб, бошловчилар дастлаб, Абдулла Қодирий ва унинг асарлари, хусусан, “Ғирвонлик Мағлаб-буй” ҳикояси билан томошабинни таништирилади. Спектаклда масҳарабоз қиёфасидаги бошловчилар воқеаларни шарҳлаб боради, шунингдек, саҳналарни ўзаро боғлаб, томошаға завқ бағишлайди. Бир сўз билан айтганда, ёш томошабинларға ҳалолик, ростқўйлик, меҳнатсеварлик ва илм олишға бўлган муҳаббатнинг шаклланишида маъзур спектакль аҳамияти бўлиши шубҳасиз.

Фаргона вилояти кўғирчоқ театрининг “Тойчоқ” (муаллиф, режиссёр ва расом С.Седуҳин) спектакли фестивал топила-ми, кашфиёти бўлди, десак муболаға бўлмайди. “Тойчоқ” — муаллифлик спектакли. Асарда умумбашарий ғоя ўзининг юксак профессионал ечимини топган. Спектакль муҳаббат меваси — тойчоқнинг дунёға келиши, унга ота-онанин меҳри, оламини билиш ва англаш йўлидаги интилишлари билан бошланади. Бирок унинг бу суррули олгани узоққа қўзилмайди. Ота — жанговор тулпор қўшин йўлбошчиси сифатида душман билан бўлган жангда ҳалок бўлади. Онаси эса фарзандининг ҳаётини сақлаб қолиш учун бўрилар билан бўлган шафқатсиз оқишда жон беради. Бундан беҳабар тойчоқ қилларини излаб йўлга чиқади ва сафар давомида турли қийинчиликларға дуч келади. Охири-оқибат меҳрибон инсонлар тойчоқға ғамхўрлик кўрсатиб, қарамоғиға олади.

Спектаклнинг барча компонентлари — драматургия, режиссура, сценография, му-сика, актёрлар ижросининг уйғунлиги асар муваффақиятини таъминлаган. Миллий матолардан яратилган қаҳрамонлар актёрлар ҳаракатларида жонланиб, таъсирли саҳнавий қўрилишлари юзаға келтиради. Миллий ва замонавий созлар уйғунлигида ижро этилган қалбларни ларзаға соладиган қўйлар — буларнинг бари спектакль муҳитини яратиб, унга ҳаётийлик бағишлаган. Қаҳрамон тушиб қолган шароит, ундаги драматизм, лирик сахналар, инсонға хос хислатларнинг жонотлар ва табиятда ифодаланиши сўзсиз тушунарли. Миллий колорит, халқона рух, бадий ечим талқини томошабинларни ҳам бефарқ қолдирмади.

Фестиваль доирасида “Янги давр Ўзбекистон кўғирчоқ театрлари: кеча, бугун, эртаға” деб номланган илмий-амалий анжуман доирасидаги қишларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кўғирчоқ театрларидаги ҳолат, сўнги йилларда яратилган шароитлар, ютуқлар ҳақида тўққиланиб гапирганлар бўлди, шу билан бирга, театрлар репертуарини шакллантиришда мавжуд муаммолар тилға олдинди. Драматургия, режиссура, сценография, актёрлар ижроси масалалари қизгин мунозараларға сабаб бўлди. Навқирон мутахассисларни театрларға жалб этиш юзасидан мавжуд муаммолар ўртаға ташланди, уларни ҳал этиш бўйича тақлифлар киритилди. Кескин баҳс ва мунозаралар шаклида ўтган бу тадбир соҳада амалға оширилиши лозим бўлган ишларға мутасаддилар эътиборини қаратди.

Фестиваль кўғирчоқ театрларида ўзига хос ижодий жараён кетаётгани, қаерда янгликка интилиш бўлса, ижодий муваффақиятлар бирлашувидан таркиб топган Семурғ қуши сиймоси адолатнинг тантанаси бўлиб жавобланади. Унинг тилидан анраган “Адолатли шох ўзиниғиз” сўзлари Навоий даҳоси, ўз қўтарган муаммолар асрлар ўтса-да, ўз қадрини йўқотмай, оҳори тўқилмай келаётганиға ишора.

Миллий адабиётимизнинг бу каби но-дир намуналари саҳна санъатини янги

Янги Ўзбекистон. Бош муҳаррир: Салим Дониёров. "Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов. Девонхона: (0-371) 233-70-98. Котибият: (0-371) 233-56-60. Эълонлар: (0-371) 233-57-15. E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 2655. 42210 нусxada босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда. "KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй. Босмахона телефони: (71) 230-27-76. Навбатчи муҳаррир: Улғабек Асқоров. Мусахҳир: Асқорат Шербекова. Дизайнер: Зафар Бақиров. Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Ўза яқини — 22-40 Тошчирилар — 01:00